

Инглиз ва ўзбек тилларидаги модалликнинг мантикий-гносеологик ва
функционал-семантик тадқиқи

Магистр диссертацияси

Ибрагимбекова Азиза

**Инглиз ва ўзбек тилларидаги модалликнинг мантикий-гносеологик ва
функционал-семантик тадқиқи**

Мундарижа

Кириш.....	3
I-боб. Модаллик категорияси ҳақидаги илмий- назарий қарашларнинг тилшуносликда талқин қилиниши.....	11
1.1 Модаллик категориясининг мантиқий - гносеологик тадқиқи масалалари.....	11
1.2 Когнитив тилшуносликда тил ҳодисаларини ўрганишнинг асосий тамойиллари.....	20
1.3 Модалликни тилшуносликда ўрганилиш тарихи ҳақида.....	24
1.4 Модалликнинг концептуал лисоний воқеланиш жараёнидаги ўрни.....	27
I- боб бўйича хулосалар.....	36
II-боб. Модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал семантикаси.....	38
2.1 Инглиз тилида модаллик категориясининг феъл майлларнинг ёрдамида ифодаланиши.....	38
2.2 Модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал семантикаси.....	47
II- боб бўйича хулосалар.....	50
III-боб. Инглиз ва ўзбек тилларидаги модаллик категориясини ифодаланувчи воситаларнинг қиёсий семантик тадқиқи.....	52
3.1 Ўзбек тилида модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал-семантик тадқиқи.....	52
3.2 Инглиз тилидаги модал сўзларнинг контекстуал	

семантикаси.....	62
III-боб бўйича хулосалар.....	74
Умумий хулосалар.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

Кириш

Мустақил Ўзбекистонда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиши глобаллашув, ахборот коммуникация технологиялари гуркираб ривожланаётган, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда демократик таракқиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва хал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграллашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларни мукамал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш билан таъминланади. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги хужжати умумэтироф этилган халқаро меъёрлардан биридир. Ушбу хужжатнинг муайян ўринларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида ҳам бу масалага катта ўрин берилган.

Ўзбекистон Республикасида демократик принциплар устувор янги жамият қуриш, бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиётга эга давлат барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар доирасида таълим ва тарбия соҳасига жиддий эътибор

каратилмоқда. Ҳаётга чуқур татбиқ этилаётган ҳамда тараққиёт йўлимиз – “Ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ривожланишни таъминланаётган асосий омиллардан бири сифатида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур қонун ҳужжатларида, биринчи навбатда, инсон манфаатлари устуворлиги, унинг замон талабларига мос ҳолда ортиб бораётган эҳтиёж ва қизиқишлари, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ҳамда амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш белгилаб қўйилган.

Мазкур магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 29 октябрьдаги № 418 – сон буйруғи, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 255-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ – 4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 30-сон, 346-модда), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104 модда) ва 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда) қарорларига мувофиқ магистратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлигини кучайтириш, “магистр” даражасини бериш бўйича

диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талаблар ҳамда халқаро таълим стандартлари даражасида олий таълим муассаларида магистрлар тайёрлаш тартибини инобатга олган ҳолда яратилди.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда хорижий тил муаммоларини она тили-ўзбек тили масалалари билан қиёсий ўрганиш энг долзарб масала бўлиб турибди. Хорижий тилларда дарсликлар ва қўлланмалар аста-секин ёзилмоқда. Аммо хорижий тиллар билан ўзбек ёки бошқа тил муаммоларига бағишланган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаяпти. Шу сабабли мазкур тадқиқот қўйилган масалани маълум даражада ижобий ҳал қилиш учун хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Албатта, ҳар қандай фаннинг у ёки бу муаммосини тадқиқ этишда унинг тарихи ҳам илмий назардан ўтказилиши лозим. Чунки тадқиқ этилаётган муаммонинг тарихини билмай туриб, унинг ҳозирги ҳолати-моҳиятини илмий таҳлил қилиш мумкин эмас. Юқорида таъкидланган талаб ва эҳтиёжларга асосан И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» ва бошқа асарларида ҳам илм-фанни ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини илмий таҳлил этиш тўғрисида айтилган ижтимоий ва фалсафий фикрлари, шунингдек Ф.де Соссюр, Л. Блумфильд, А.И. Смирницкий, Г.Н. Воронцова, И.П. Иванова, Г.Г. Поченцов, Л.С. Бархударов, В.Я. Блох, Б.А. Ильиш, В.Г. Гак, Ю.С. Степанова, Ж. Бўронов, Ў.Қ. Юсупов, Д.А. Ашуров, М.И. Расуловларнинг назарий мулоҳазалари тадқиқотимизнинг методологик асоси қилиб олинди. И.А. Каримовнинг “жамиятда, унинг тараққиётда ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Улар одамнинг ақлий камолатга эришувида катта таъсир кучига эга”¹ деган сўзларини тил ва у ҳақдаги фан тишуносликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Мазкур диссертациянинг **мақсади** модаллик категориясининг умумлингвистик статусини аниқлаш ва унинг инглиз, рус ва ўзбек тилида воқеланиш қонуниятларини ўрганишда.

¹ Каримов И.А. Миллий истоклол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишинчдир. Т., 2000. 26 б.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифаларни** белгиладик:

1) Ҳозирги замон тилшунослигида модаллик категорияси ҳақида илмий-назарий қарашларнинг илмий адабиётда талқин қилинишини ўрганиб чиқиш;

2) Ҳозирги замон тилшунослигида модаллик катеогорияси ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар ва уларнинг семантик таснифини ўрганиб чиқиш;

3) Тил ходисаларини когнитив тилшуносликда ўрганишнинг асосий тушунча ва тамойилларини ўрганиб чиқиш;

4) Модалликнинг концепт лисоний воқеланиш жараёнидаги ўрнини аниқлаш;

5) Инглиз, немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг ифодаланишини тадқиқ қилиш;

6) Инглиз тилидаги майл категориясининг модалликни ифодалашдаги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш;

7) Инглиз тилидаги модал феълларнинг модалликни ифодалашдаги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш;

8) Инглиз тилидаги модал сўзларнинг модалликни ифодалашдаги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш.

Диссертациянинг **объекти** бўлиб инглиз ва ўзбек тилларидаги модаллик категорияси хизмат қилади. Диссертациянинг **предмети** бўлиб инглиз ва ўзбек тилларидаги модаллик категориясини ифода қилувчи воситаларни структурал, семантик, функционал ва бошқа хусусиятлари хизмат қилади.

Ҳар қандай жамият ўз тараққиётини таъминлаш учун илм-фанни ривожлантириш ва унинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга эътибор бериб келди. Буни мустақил Ўзбекистон деб аталган жамиятимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда илм-фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш, илмий тадқиқот ишларини жадал олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. “Кадрлар

тайёрлаш миллий дастури” деб аталган тарихий хужжатда Республика илмий жамоати олдига “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали бажариш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш” вазифаси кўйилди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Республика Фанлар академиясининг 60 йиллиги ҳақидаги қарори ва бошқа меъёрий хужжатлар Ўзбекистонда илм-фанни, шу жумладан тил ҳақидаги фан тилшуносликни ҳам ривожлантиришда муҳим рол ўйнамоқда. Президентнинг мазкур фармонига мувофиқ мамлакатимиз илмий салоҳиятини ошириш ва илмий-тадқиқотда янги ёндашувларга ўтиш, илм-фанда ечилмай турган муаммоларни илмий-тадқиқот объекти қилиб олиш алоҳида таъкидланган. Шунини қониқиш билан қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутган Ўзбекистонимизда хорижий тилларни ўрганишга, билишга ва уларнинг муаммоларини илмий-тадқиқот этишга эътибор кучайди. Бу бежис эмас, албатта. Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун тараққий қилган чет эллар билан ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда ўзининг буюк келажagini кўраётган халқимиз учун хорижий тилларни билиш ва улар ҳақидаги билимларни эгаллаш катта аҳамият касб этмоқда.

Президент И. А. Каримов ўзининг “Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” деб номланган асарига ёшларни “чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун тўла имконият яратиб беришимиз даркор”³ деб биз чет тиллари мутахассислари олдига жиддий вазифаларни кўйди.

XX асрнинг охири ва янги асрнинг бошланиши ўзбек халқининг ўз тарихи ва ўтмиш маданиятига бўлган зўр қизиқиш ва маънавий эҳтиёжи

² “Кадрлар тайёрлаш тизимида фан”. - Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.52 б.

³ Каримов И.А. Юкорида кўрсатилган асар ... 9 б

мозийни англаш борасида теран ва пухта илмий изланишлар юритишни тақозо этмоқда. Зотан, буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йилларча муқаддам: “Илмлар кишининг ҳаётӣ эҳтиёжларин қондириш зарурати туфайли вужудга келгандир”, дея бежиз таъкидламаган эди. Табиӣки, ушбу ҳикмат ижтимоӣ (жумладан, мантиқ ва лингвистик) фанларга ҳам хосдир. Ҳозирги даврдаги илм-фан ютуқларига бўлган эҳтиёж, янги технологияларнинг ҳаётӣ зарурияти, инсоният ривожланишининг табиӣ жараёни нуқтаи назаридан фикрланса, шубҳасиз, XXI аср илм-фан асри бўлади. Илмий билимлар тизимига кирувчи ҳар бир фан оламни билиш ва ўзлаштиришнинг махсус усули, одамнинг ўзига хос фаолияти бўлиб, атрофимизни қуршаб турган дунёнинг муайян жиҳатини ўрганади. Фалсафа, мантиқ, тил ҳақидаги ва бошқа фанлар моддий олам ва ундаги нарса-буюм, ходиса, ҳолат, жараёнларни ўрганиб, оламнинг илмий манзарасини ҳосил қилади. Олам ва унинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиши тил ва тафаккур билан бевосита боғлиқ тушунча, категория қонунларда акс этади. Жамиятнинг ривожланишини ҳам илм-фансиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай фан одам эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Шунинг учун одам доимо илм-фанга интилиб яшайди, чунки илм-фансиз тараққиёт бўлмайди.

Диссертациянинг **назарий аҳамияти** шундаки, мазкур диссертацияда муҳокама қилинган тил ҳодисаларининг таҳлили ва сўз туркумларининг структурал-семантик, функционал-типологик ва когнитив табиатини атрофлича тушунишда катта назарий аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур диссертациянинг **амалий аҳамияти**. Мазкур диссертацияда кўтарилган муаммолар, чиқарилган хулоса, ечимлар, олинган натижа ва тавсиялар инглиз тили амалий ва назарий грамматика фанларини филология ва таржимонлик факультетлари I-III курс студентларига ўқитишда ўқитувчилар, аспирантлар, магистрлар ва талабаларига фойдали бўлиши мумкин.

Ишнинг **илмий янгилиги**. Мазкур диссертациянинг илмий янгилиги шундаки, бунда инглиз тили грамматикасининг муҳим бўлим ва ҳодисалари

коммуникатив ва когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва янги илмий ечимлар берилади.

Ҳимояга қўйиладиган **назарий мулоҳазалар(илмий фаразлар)**

- мантикий ва лисоний модаллик катеториясининг ўзига хос хусусиятлари ва улар орасидаги узвий боғлиқлик;

- грамматикада модаллик категориясининг ўзига хос муаммолари;

-гапларда диктум ва модус муносабатларининг шаклланиши ва сўзлашув нутқида уларнинг турли лисоний бирликлар билан ифодаланиши;

-гапнинг предикативлик ва модаллик хусусияти;

-турли тизимга мансуб тилларда модаллик категориясининг морфологик, лексик ва синтактик воситалар билан қўлланиши;

-семантик категорияларни қўллашда мазмун синтактик шаклларнинг роли;

-*истак, мумкинлик, зарурият* категорияларини қўллашда модал феълларнинг гапдаги роли, ўқув жараёнида уларнинг назарий ва амалий аҳамияти;

-модаллик категориясини қўллашда функционал-семантик майдоннинг ҳосил бўлиши ва синоним вариантларнинг вужудга келиши масаласи;

-адабий ва сўзлашув нутқида модаллик категориясининг қўлланиши, улар орасидаги семантик-синтактик муносабатларнинг ифодаланиши;

-диалогик нутқ ва фразеологик бирликларда модаллик категориясининг қўлланиши;

-икки ноқардош тилда модаллик категориясининг қўлланишидаги лисоний бирликларнинг шакл ва мазмунан мос келиши ёки мос келмаслиги, ўхшашлик ёки ноўхшашлик хусусиятлари;

Тадқиқотнинг **илмий истиқболи:**

1) инглиз ва узбек тилларининг қиёсий грамматикаси ва мазмуни синтаксисини яратиш,

2) модаллик категориясининг содда ва қўшма гапларда қўлланишининг коммуникатив вариантларини жорий қилиш,

3) лингвистик атамалар луғатини ишлаб чиқиш.

Мазкур диссертацияга **материал** бўлиб XX аср америка ва Британия муаллифлари томонидан ёзилган бадиий адабиёт наъмуналаридан олинган 2000 га яқин мисол хизмат қилди.

Мана шу материални таҳлил қилишда қуйидаги **методлардан** фойдаланилди: морфемик таҳлил методи, дистрибутив метод, субституция методи ва бошқалар.

Диссертацияга **апробацияси**. Мазкур диссертациянинг натижалари ЎзДЖТУ магистратура бўлими инглиз тил кафедраси йиғилишида, ҳамда ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилар анъанавий илмий-амалий конференциясида омма эътиборига ҳавола қилинди.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат бўлиб, умумий ҳажми -- - саҳифа.

Киришда тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифаси, илмий янгилиги аниқланади, шуниингдек тадқиқот услуби, предмети, назарий ва амалий аҳамиятлари асослаб берилади. Биринчи боб мантиқий модаллик категориясининг шаклланиши ва уларнинг Аристотель асарларида ривожланиш хусусиятларига бағишланади. Унда турли мактаблар вакилларининг мантиқий категориялар ҳақидаги илмий қарашлари ва уларнинг категорияларга берган семантик тавсифлари назарий таҳлил қилинади. Иккинчи боб ҳозирги замон илмида модаллик мантиғида кўлланадиган шартли белгилар, размлар ва формулаларнинг семантик изоҳи, модаллик мантиғининг турли гуруҳларга ажралиши, ҳукмнинг модаллик буйича бўлишини ва унинг семантик таснифлари тадқиқотига бағишланади. Ҳамда ҳозирги замон тилшунослигида модаллик категорияси ҳақидаги илмий-назарий қарашлар турли тизимга мансуб тилларда талқин қилинади. Модаллик категориясининг кўлланиши ва уларнинг инглиз ва ўзбек тилларида морфологик, лексик йўллар билан ифодаланиши назарий таҳлил қилинади ва олимларнинг ушбу категорияга оид фикрлари асосида модаллик

категорияси семантик гуруҳларга ажратилади. Бундан ташқари инглиз, рус ва ўзбек тилларида модал феъллар ёрдамида «истак», «мумкинлик», «зарурият» типологик категорияларнинг содда ва қўшма гапларда қўлланилиши назарий ва амалий таҳлил қилиниб, семантик моделлар тавсия қилинади. Ушбу семантик категориялар турли лисоний бирликлар ёрдамида морфологик, лексик ва синтактик ифодаланиши чуқурроқ ўрганилади. Хулосада илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилади. Фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати тавсия қилинади.

I-боб. Модаллик категорияси ҳақидаги илмий- назарий қарашларнинг тилшуносликда талқин қилиниши

1.1 Модаллик категориясининг мантиқий - гносеологик тадқиқи масалалари

Модаллик гапнинг асосий бирлиги, гап семантикасининг энг муҳим белгисидир. Тилшуносликда модаллик деганда, одатда, сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грамматик - семантик категория ёки сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати тушунилади⁴. Ушбу объектив воқеликни сўзловчи баҳолаш тарзида қабул қилиб, уни онгида акс эттиради ва воқеликка бўлган муносабатини ҳар хил семантик категориялар ёрдамида баён қилади. Ҳозирги замон тилшунослигида модаллик тушунчаси ниҳоятда кенг қўлланиб, семантик категория сифатида ўзининг ифода шаклига ва турли маъноларнинг уйғунлашиб ифодаланиш хусусиятига кўра жуда хилма-хилдир. Ҳатто модаллик категориясининг мазмуни ва униинг ҳажми ҳақида ҳам ягона тўхтама келингани йўқ. Бу лингвистик модаллик билан мантиқий модаллик тўлалигича бир-бирига мос келмаслиги билан изоҳланади. Муаммо фақат лингвистика фани учунгина эмас, балки мантиқ фани учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки модаллик категорияси фикрнинг мантиқий қурилиши билан чамбарчас боғланган тил ходисалари қаторига киради. Шунинг учун модаллик тилшуносликда ҳам,

⁴ Гак В.Г. Теоретическая грамматика английского языка. Синтаксис, М., 1981, С. 145. А.Нурмонов, Н.Махмудов ва бошқалар. Ўзбек тилининг умумий синтаксиси. Т., 1992, 80-89 б.стлар. Ҳожиёв А. Лингвистик терминлар лугати. Т.: Ўқитувчи, 1985, 144 б.

мантиқда ҳам илмий кузатишлар объекти бўлди. Тилшуносликда модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида қаралса, мантиқда тафаккур шакли сифатида ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида қаралади. Модалликнинг бу хусусиятидан келиб чиқиб, В.З. Панфилов мантиқий модалликни лингвистик модаллик билан боғлаб ўрганиш лозимлигини уқтиради (Панфилов 1977, 39).

В.З.Панфилов гап орқали ифодаланадиган ҳукмнинг икки сатҳи мавжудлигини эътироф этади. Улардан биринчиси ҳозирги формал мантиқ томонидан ажратиладиган пропозиционал функция сифатидаги ҳукмдир. Пропозиционал функция сифатидаги ҳукм структураси N ўринли предикат ва унинг аргументлари муносабатидан иборат бўлиб, бундай ҳукм структураси икки қисмдан (агар предикат бир ўринли бўлса) ёки уч ва ундан ортиқ қисмдан (агар предикат кўп ўринли бўлса) ташкил топади. Гапда ифодаланган ҳукм структурасининг сатҳи анъанавий формал мантиқнинг ўрганиш объекти бўлган субъект- предикат структурасидир (S+P дир формуласи). Ҳукмнинг бу икки сатҳдаги структураси гап структурасида ҳам ўзининг шаклий ифодасига эга: улардан биринчиси гапнинг синтактик бўлинишлари орқали (яъни синтактик структура элементлари орқали), иккинчиси эса мантиқий-грамматик ёки актуал бўлиниш орқали ифодалалади. Демак, модаллик гапнинг актуал бўлиниши билан чамбарчас боғланган (Гуревич 1985, 14). Англашиладики, маълум бир вазиятнинг ўзи ҳукмнинг бир неча хил субъект-предикат структураси билан ва, шунга мувофиқ, гапнинг турли мантиқий-грамматик бўлиниши билан ифодаланади. Бу инсон билиш фаолиятининг фаоллигини кўрсатади.

Модаллик замирида гапнинг субъект билан боғлиқ турли маънолари тушунилар экан, аввало, бу маъноларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) объектив модаллик ва 2) субъектив модаллик. Объектив модаллик билишга йўналтирилган муайян воқеадан мавжуд объектив алоқалар характерини акс эттиради (мумкинлик, ҳақиқийлик, зарурийлик). Субъектив модаллик эса бу алоқаларни билиш даражасига нисбатан сўзловчининг муносабати (баҳоси)ни ифодалайди.

Модаллик категориясининг мантиқ илмида талқини ҳақида фикр юритдик. Ушбу категорияни тилшуносликда олимлар қандай тушунишади ва қандан изоҳлашади? Тилшуносликда модаллик тушунчаси сўзловчининг айтилаётган гап мазмунига ва гапнинг воқеликка муносабатини англатувчи маъно категорияси сифатида қаралади. Ушбу семантик тушунча сўзловчининг объект борлиққа муносабатини англатиб, шу объектив воқелик сўзловчи онгида акс этади ва унга бўлган муносабатини турли семантик категориялар ёрдамида билдиради. Олдинги бобларда айтиб ўтганимиздек, модаллик тушунчаси тилшуносликка мантиқ фанидан кирган бўлиб, бу категория мантиқ илмида ҳар хил шартли белгилар ва семантик операторлар (эҳтимол, зарур, шарт, мумкин) билан ифодаланишини тушунтириб, таҳлил қилиб ўтдик. Тилшуносликда эса ушбу семантик категория турли маъноларни (реал-нореал, мумкинлик, зарур, истак, тасдиқ-инкор ва ҳ.к.) англатиб, тилда морфологик, лексик ва синтактик йўллар билан ифодаланиши мумкин. Демак, модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашда хизмат қиладиган турли хил воситалар киритилади. В.З. Панфилов таъкидлаганидек, жуда кўп муаллифлар томонидан модаллик категорияси таркибига ўз моҳияти жиҳатидан функционал вазифаси, тил тузилишига мансублиги жиҳатидан турлича маънолар киритиладики, натижада бу категория маълум аниқликни йўқотади⁵. Бу ҳатто модалликнинг алоҳида тил категорияси сифатида мавжудлигини ҳам шубҳа остига кўяди. Жумладан, И.П. Распопов модаллик ҳақида фикр юритиб, соф грамматик маънодаги категория сифатида ҳсч қандай модаллик категорияси мавжуд эмас, дейди. Унинг фикрича, модаллик категорияси ҳақида эмас, балки гапнинг модал сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади. Т.П. Ломтев ҳам бу категория тўғрисида худди шунга ўхшаш фикр билдиради.

⁵ Панфилов В.З. Категория модальности и ее роль в конституировании структуры предложения и суждения. ВЯ. 1977, № 4, С. 3. 2. Распопов И.П. Заметки о синтаксической модальности и модальной квалификации предложения. - В кн.: Синтаксис и интонация, С. 10.

Унинг фикрича, модал грамматик категория «бир грамматик модал категорияни эмас», балки муайян системани ташкил этади⁶.

Модаллик ҳақидаги бундай фикрлар тасодифий эмас, албатта. Модалликнинг анъанавий талқинига кўра, уни таърифлаш жуда қийин. Модаллик маъноси тил системасининг турли сатхларида кузатилиб, уни ифодаловчи воситалар ҳам ҳар хил. А.Нурмонов таъкидлаганидек, тилшуносликда бу воситаларни аниқлашнинг ягона услуги бўлмаганлиги туфайли, модалликни ифодаловчи воситалар турли тиллар материаллари асосида турлича ажратилмоқда (Махмудов, Нурмонов 1995, 57). Жумладан, ушбу ҳолатни инглиз ва ўзбек тилдаги материал асосида чоғиштириб кўрсак, инглиз тилида модаллик воситаларига майл, модал феъллар, модал сўзлар, юкламалар, кириш сўзлар, инфинитив қурилмалар, оҳанг ва сўз тартиблари кирса, ҳозирги замон ўзбек тилида эса ушбу семантик категорияни ҳосил қилувчи лисоний бирликлар майл, замон ва шахс-сон қўшимчалари, юкламалар, модал сўзлар ва феъллар, тўлиқсиз феъллар, махсус қўшимчалар, кириш сўз ва гаплар тўғрисида юқорида айтилган фикрнинг айнан исботидир.

Бир категория атрофида бундай хилма-хил воситаларнинг бирлаштирилиши тилшунослар ўртасида, табиий равишда, айрим эътирозларнинг тугилишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам бу воситаларни бирлаштирадиган бир умумий белги топишга ҳаракат қилинади. Бу воситаларнинг ҳаммаси ўз функциясини гап ичида (гап сатҳида) кўрсатади. Ана шу белги, яъни синтактик белгиси юқоридаги воситаларни бирлаштириши учун маълум даражада асос бўлди. Шунга кўра модаллик воситаларини ҳам: 1) конструктив-синтактик; 2) морфологик-синтактик; 3) интонацион-синтактик гуруҳларга ажратилиши мумкин². Барча модал маънодаги воситаларга синтактик маком берилиши бу воситаларнинг тузилиши умумийлигини кўрсатиш учун асос бўладигандек туюлади. Аммо маълум бир ўринда синтактик белгиси модал воситаларнинг фарқланишида

⁶ Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. М., 1972. С. 91

аҳамиятини йўқотади (Сибагатов 1984, 178). Шунинг учун ҳам Р.Г.Сибагатов модаллик категориясини белгилашда турли сатхлилик категориясига асосланиш лозимлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, тилшуиосликда турли сатхлилик категорияси мавжуд бўлиб, бу категория турли сатхга оид бирликларни бир умумий тушунча атрофида бирлаштиради.

Гапнинг номинатив аспекти тарафдорлари гапни икки қисмга: диктум ва модусга ажратадилар⁷. Диктум синтактик қурилма ифодалайдиган объектив мазмун, яъни пропозициядир. Маълум синтактик қурилманинг гап бўлиб шаклланиши учун фақат диктумни (пропозицияни) ифодалашнинг узи етарли бўлмасдан, у модус қўшилгандагина гапга айланади. Демак, модус гапнинг энг муҳим қисмидир, усиз гап шакллана олмайди. Бунда мулоқот турлари ҳисобланган дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис-туйғуни англатувчи субъектив модал маънолар модус ҳисобланади. Т.Б. Алисова Ш. Баллининг диктум ва модус ҳақидаги фикрини давом эттириб, модаллик ҳақида шундай дейди: «Ҳар қандай жумланинг предикатив табиати икки сатхдан ташкил топади: биринчиси денотат (диктум)нинг субъект - предикат мупосабатини акс эттирса, иккинчиси бу муносабатга сўзловчининг муносабатини ифодалайди. Г.А. Золотова учинчи тип модал муносабатни - ҳаракат ва унинг акси(агенси) ўртасидаги муносабатни ажратади. Биринчи тип муносабат (объектив модаллик) жумла мазмунининг борлиққа (реал-нореал) мувофиқ келиш ёки мувофиқ келмаслик нуқтаи назаридан қараладиган муносабатдир. Иккинчи тип муносабат (субъектив модаллик) сўзловчининг жумла мазмунига ишонч, истак, гумон, аниқлик-ноаниқлик, розилик каби муносабатлари киради. Учинчи тип модаллик эса ўз ичига мумкинлик, истак, зарурлик каби маъноларни олади (Золотова 1974,152).Биринчи тип модалликнинг асосий ифода воситаси майл категорияси, иккинчи тип кириш (модал) сўзлар, учинчи типники эса кесимга (предикатга) қўшиладиган ҳолат категорияси ҳисобланади. Биринчи тип модаллик гапнинг зарурий белгиси, модалликнинг қолган типлари эса гапнинг қўшимча белгиси эканлигини

⁷ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы английского языка. М. 1955. С. 44

кўришимиз мумкин. Тилшуносликда мавжуд бўлган модаллик категориясига оид илмий ишларни таҳлил қилиб, бу семантик категорияни биз кенг маъноли олтита гуруҳга бўлдик. Улар қуйидаги тил воситалари билан ифодаланади:

I. Сўзловчи айтаётган фикрнинг гапдаги мақсади, муносабати ёки гапнинг коммуникатив функцияси. Бу семантик баҳолашнинг хусусияти шуки, ҳамма гаплар ўз функциясидан келиб чиқиб, коммуникатив гуруҳга (дарак, сўроқ, буйруқ) бўлинади. Бу маъноларнинг мажмуи қуйидаги тил воситаларини ўз ичига олади: морфологик (фёъл майллари), синтактик (гап моделлари, просодик- интонация - оҳанг).

II. Сўзловчининг гап мазмунини реал ва нореал нуқтаи назардан баҳолаши. Бу модаллик маънолари майл шакллари, фёъл замонлари, шунингдек баъзи боғловчи ва юкламалар ёрдамида ифодаланади.

III. Сўзловчининг гапда ифодаланган воқеликларни (мумкин, эҳтимол, зарур-керак, хошиш-истак) субъект ёрдамида баҳолаши. Бу семантик маънолар модал фёъллар ва тил қурилмалари ёрдамида берилади.

IV. Тасдиқ ва инкор маъноларини ифодаловчи нарсалар орасидаги мавжудлик ёки мавжуд эмаслик ҳолатини англатувчи муносабатлар, белгилар ва гапдаги реал ҳаракатни англатувчи воқелик. Иккала семантик тушунча таққосланса, биринчисининг маркерлари (кўрсаткич белгилари) йўқ, иккинчисининг махсус маркерлари бўлиб, улар грамматик, лексик воситалар ёки юкламалар орқали ифодаланади.

V. Семантик маъноларнинг икки турини баҳолаш: а) сўзловчининг воқеликларни (мумкин, зарур ёки истак) баҳолаши; б) сўзловчининг унга хабар қилинган воқеликка ишончлилик даражаси. Иккала баҳо тури тилда модал равишлар, кириш сўзлар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар билан, шунингдек модал фёъллар (мумкин, керак;) ва инфинитив қурилмалар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

VI. Сўзловчининг гап мазмунидаги ҳис-туйғу ва сифат вазифаларининг ифодаланиши. Бу семантик тушунчалар ундов сўзлар, лексик сўзлар (яхши, ёмон, ажойиб, уят, кўрқинч, даҳшат ва ҳ.к.) ва оҳанг ёрдамида берилади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар асосида шундан хулоса қилишимиз мумкинки, модаллик категориясини объектив ва субъектив семантик нутқ тур ва гуруҳларга бўлиб ўрганиш тилшуносликда катта аҳамият касб этади. Объектив модаллик гапнинг зарурий белгиси туфайли ҳар қандай гапда бўлади, субъектив модаллик эса гапларда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, объектив модаллик гапнинг доимий белгиси, субъектив модаллик эса кўшимча белгиси ҳисобланади. Объектив модаллик тилда ҳамиша морфологик усулда майл ва феъл замонлари билан ифодаланса, субъектив модаллик лексик (модал феъл ва сўзлар, кўмакчи, гапнинг махсус қурилмалари ва ҳ.к.) синтактик воситалар ёрдамида ҳосил бўлади.

Турли тилларда (герман, рус ва ўзбек) модаллик категориясининг қандай таҳлил қилиниши ва изоҳланишини қуйида Герман тиллари материали асосида кўриб чиқамиз. Таҳлил қилинган ҳар бир семантик гуруҳнинг ўзига хос модаллик хусусиятини Герман тиллари материали асосида қандай йўллар билан ифодаланишини изоҳлаб бериш учун олдимизга иккита вазифа қўйдик. Биринчиси, Герман тилларида модаллик категориясининг қандай йўллар билан ифодаланиши, уларнинг ўхшашлик ва ноўхшашлик томонларини таҳлил қилиб тушунтириб бериш бўлса, иккинчи вазифамиз биринчисига нисбатан анча мураккаброқ жараёни ўз ичига олади. Ҳўш, бунинг асосий сабаблари нималардан иборат? Қуйида шу сабабларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Турли тадқиқотчилар модаллик категориясини умумий назарий ҳолатидан, фақатгина модаллик тушунчасидан эмас, балки тилнинг ўз табиати ва унинг функциясидан келиб чиқиб, ҳар хил фикр билдирмоқдалар ва баҳоламоқдалар. Модалликни ўрганишнинг кийинлиги яна шу билан тушунтириладики, ҳамма Европа тилларида алоҳида майл категорияси (энг аввало индикатив ва конъюктив)

бўлишидан катъи назар, модаллик факатгина майл ёрдамида берилмасдан, балки у бошқа турли йўллар билан (замон категориялари, модал феъллар, сўзлар тартиби, алоҳида интонация ва ҳ.к.) билан ҳам берилиши мумкин.

Майл категорияси, бизнинг назаримизда ҳар доим модалликни ифодалаб, сўзловчи ва тингловчи орасидаги коммуникатив функцияни бажаради. Модалликнинг функцияси замонларни, айниқса, келаси (ўтган келаси) замон турларини қамраб олади. Келаси замон ўзининг хусусияти ва функциясига кўра (харакатнинг йўқлиги, аммо у *кутилади*, *тахмин қилинади*) модалликни ифодалаш даражаси бир оз қийинлашади. Бу ерда бошқа бир муаммо туғилади, яъни модалликнинг қайси тури қандай воситалар билан ифодаланиши кўндаланг туради. Шунингдек кўпчилик тадқиқотчиларда тилда майлни сақлаб қолиш керакми ёки грамматик категорияними деган саволларнинг туғилиши табиийдир. Бунга мисол қилиб, масалан, конъюнктивни (истак майли) кўрсатиш мумкин. Маълумки, кўпчилик Ҳинд-Европа тилларида конъюнктив ва оптатив (истак) анъанавий ёзув шакли бошлангунча улар ягона маънога эга бўлиб, аниқ маълум бўлган реал далилга, яъни мумкин, тахмин, истак, тасаввур қилиш маъноларига зид қўйилган. Бу эса майл категориясининг ичидаги асосий қарама-қарши турган индикатив(тасдик категорияси) ва конъюнктив (тахмин категориялари) ҳақида гапиришни тақозо қилади. Масалан, замон шаклларининг турлича қўлланиши, шубҳасиз, инглиз тилидаги субъюнктивнинг индикативдан маълум даражада фарқ қилишидир. Аммо бу мезон лотин тилидаги майлларга мувофиқ таққослаб кўриш учун қўлланган. Модомики, лотин конъюнктиви инглиз тилидаги субъюнктивга ўхшаса ҳам, инглиз субъюнктиви қўлланиш жиҳатидан лотин конъюнктивидан умуман фарқ қилади. Лотин тилида конъюнктив эргаш гапларда кенгроқ қўлланибгина қолмасдан, балки мустақил содда гапларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, конъюнктив мустақил содда гапларда қўлланганда ихтиёрийлик (эркинлик), истак, тахмин, мумкинлик каби маъноларни ифодалайди. Содда гапларда модал маъноларнинг ифодаланишини етти гуруҳга бўлиш мумкин: 1)

Conjunctivus hortativus - ундаш, мажбур этиш; 2) imperatives - буюриш; 3) prohibitivus — ман этиш; 4) optativus - истак — хошиш; 5) concessivus- бошқа фикрга тахмин ёки фараз билан қараш, ён бериш; 6) dubitativus — шубҳа; 7) potentiatis — мумкинлик. Гапнинг модаллиги бутунлай гап мазмунига тегишли, майлнинг модаллиги эса махсус феъл кесимга қарашлидир. Демак, гапдаги модаллик ҳукми тўлалигича ўз ичига олса, майл модаллиги бир оз чекланган бўлиб, у махсус кесимга хосдир (Будагов 1953, 200). Т. Б. Алисова фикрича, «модаллик гапда асосий мазмунга эга бўлиб, диктум ва модал қисм — модусга ажралади. Асосий ғоя эксплицит (аниқ) ва имплицит (яширинган) бўлиши мумкин. Модаллик икки типга ажралади : коммуникатив субъектив — баҳоловчи ; гапнинг коммуникатив функциясини бажарувчи-синтактик майл» (1971, 175). Айтилган фикрдан маълумки, майллар ифодалаётган семантик тушунчалар ҳажми бир оз чекланган. Албатта, биз бу ерда баъзи фикрларга қўшила олмаймиз. Гап шундаки, императив фақат буйрукни эмас, балки истак, илтимос каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бундан ташқари, кондиционал билан индикатив истак майлига қўшиб юборилган. Бу фикр тўғри эмас. Бизнингча, кондиционал алоҳида майл деб қаралса, мақсадга мувофиқ бўларди, чунки бу майл тилда махсус воситалар билан ифодаланиб, содда гапларда дилкашлик, хушмуомалаликни, эргаш гапли қўшма гапларда эса шарт маъносини ифодалайди.

Герман тилларида модаллик категориясининг ифодаланиши ҳақида фикримизни давом эттирар эканмиз, бир қийинчиликнинг борлигини айтишга тўғри келади. Маълумки, Герман тилларида конъюнктив кўпроқ эргаш гапларда қўлланади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, гўё конъюнктив фақат грамматик эргашишни ифодалаш учун «автоматик механизм» бўлиб ҳисобланар экан. Бу фикрга кўра конъюнктив ҳеч қандай асосий грамматик-семантик хусусиятга эга бўлмасдан «юзак» кўринишда бўлади. Бунга мисол қилиб, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар орасидаги фарқни кўрсатиб, индикатив ва конъюнктив орасидаги фарқлар гўёки автоматик равишда изоҳланармиш. Яна бир муаммо шуки, баъзи бир Герман тилларида

модаллик шунга ўхшаган семантик копыонктив ёрдамида ифодаланса, бошқаларида эса келаси замон билан ифодаланеди. Бу замонга хос хусусият шуки, у амалга ошмаган истакни, тахмин маъноларини ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, модаллик категорияси бевосита тил билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда у эксплицит(аниқ) йўллар билан ифодаланиш хусусиятига ҳам эга. Масалан, М. А. Таривердиева лотин ва италян тилларида эксплицит модалликнинг ифодаланишини таҳлил қилар экан, асосий эътиборни предикат модусининг (фёъл лексемаси) аналитик эквиваленти бўлиб ифодаланишига қаратган. Модалликни ифодаловчи *putandi, affectuum, voluntatis* (қилмоқ, бажармоқ, истамоқ) фёсльларни таҳлил қилган.

1.2 Когнитив тилшуносликда тил ҳодисаларини ўрганишнинг асосий тамойиллари

Когнитология - билиш назариясининг асоси, инсоннинг билиш фаолияти ҳақидаги фан эканлиги ушбу рисолаининг илк саҳифаларидаёқ қайд этилди. Шундай экан, когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади ҳам тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироки ва улушини аниқлашдир. Тил бирликларининг эгалланаётган билимнинг лисоний вокеланишдаги иштироки ҳамда лисоний фаолиятнинг ахборотни шакллантириш ва «қайта ишлаш»даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир.

Лисоний фаолият - когнитив фаолият билан бевосита боғлиқ, унинг ажралмас бир қисми. Аммо когнитив тилшунослик, когнитологиянинг бошқа соҳаларидан фарқли ҳолда, инсон томонидан тил тизимини ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштириши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиниши каби масалалар билан шуғулланади.

Когнитивист - тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. У (когнитивист) лисоний ва тафаккур фаолиятлари

муносабатларининг юзага келтирувчи сабабларни қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матнлари - лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга, таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Демак, когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат боғлиқлигида тадқиқ этувчи, «тушунтирувчи» фан соҳасидир (Демянков 1994). Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади:

- а) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсулининг пайдо бўлиши;
- б) ушбу фаолият маҳсулотларининг идрок этилиши.

Кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан танланган йўналиш ва услубнинг бевосита тил материалига тадбиқ этилиши билан боғлиқдир. Когнитив тилшуносликнинг тараққий этган соҳаларидан бири когнитив фонологиядир. Ушбу йўналишда фонологик (фонетик) ҳодисаларнинг когнитив фаолият андозалари билан мос ҳолда юзага келиш масаласи муҳокама қилинади. С. Елиассоннинг қайд этишича, когнитив колиплар нутқий бирликларнинг мазмун доирасига таъсир ўтказувчи фонетик ҳодисалар ҳаракатини «назорат» қилиб боради, мазмун ва шакл ўртасидаги муносабатлар доирасини аниқлаб беради (Eliasson 1991). Ҳар қандай лингво-когнитив фаолият ахборотнинг инсон онгида фаоллашуви жараёнидир ва бу жараён бевосита нутқий фаолиятда ўз аксини топади. У. Чейфнинг кузатишича, нутқий тузилманинг қандай оҳангда талаффуз этилиши кечаётган воқеа ҳақидаги ахборот инсон онгининг сатҳидан олиними билан боғлиқ экан. Уоллес Чейф эслатганидек, «тил ахборотни сўзловчи онгидан тингловчи онгига узатиш имконини яратади» (Чейф 1975: 241) ва бу ахборотнинг маълум бир қисми тингловчи учун янги, у уни биринчи маротаба эшитмоқда. Лекин узатилаётган барча қисмлари ҳам тингловчи учун янги бўлиши мумкин. Масалан, У.Чейф келтирган иккита мисолнинг талаффуз оҳангини солиштирсак, уларда турли мазмун ифода топишини кўраимиз:

- а) *all elephants like peanuts* =«Хамма филлар ер ёнгоқни ёқтиришади»
- б) *all elephants like peanuts* =«Хамма филлар ер ёнгоқни ёқтиришади»

Бу икки гапнинг фарқи шундаки, (а)да фақатгина квантификатор *all* алоҳида урғу олади, иккинчисида эса нутқий тузилма тўлиғича урғу таъкидига эгадир. У. Чейфнинг фикрича, бу турдаги таъкидлар ва нутқий мулоқотда янги ахборотни олдин маълум бўлганидан («эски» ахборот) ажратиш когнитив асосга эга, зеро, янги ахборот мазмунига эга бўлган концепт сўзловчи хотирасида фаол ҳолатдадир ҳамда унинг нутқий - лисоний воқеланиши нисбатан осонроқ кечади. Янги ахборот тингловчи диққатини бевосита жалб қилади ва нутқий тузилманинг яхлит мазмунини англаш учун асосий мўлжал хизматини ўтайди. Лисоний ҳодисаларнинг когнитив тахлили борасидаги уринишлардан яна бири лисоний бирликнинг реал воқелик билан муносабатининг қай йўсинда шаклланишини аниқлаш билан боғлиқдир. Бу турдаги таҳлил когнитив ёки тўғридан-тўғри муқобиллик тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга биноан тил бирлигининг мазмуни воқеликни тўғри, ҳаққоний акс эттиради ҳамда мазмун шаклланишида *ҳаққонийлик* ва *қониқиш* шартларига (*truth conditions and conditions of satisfaction*) мос келиши керак. Машҳур семантиклардан бири таъкидлаганидек, «сўзларнинг маънога эга бўлиши тил соҳибининг фақатгина бирор бир лингвистик ғоянинг тарафдори бўлиши ёки онда туғиладиган ҳақиқий мантиқий ҳодисани шакллантирувчи ментал фаолият таъсири эмас. «Жон» Жонндинг исми бўлиши учун ушбу ном ва унинг соҳиби ўртасида маълум бир боғлиқлик бўлиши шарт, яъни воқеий дунёда шундай бир ҳодиса мавжуд бўлмоғи даркор» (Fodor 1990: 98-99).

Демак, концепт шакли ва воқелик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ деган даъво унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Рейжакендорфнинг таъбирича, «тил концептуал тузилмалар билан боғлиқлиги сабабли маъно ифодалаш кудратига эга» (Jackendorff 2004: 306), лекин «тил соҳиби воқеликни ўзи истаганидек тартиблаштиради» дейиш субъективизмнинг бир кўринишидир. Тўғри, воқелик ва унинг идроки ўртасидаги масофа ва манзил теп-текис ва тўппа-тўғри «йўл» дан ўтмайди, бу «йўл» ўта машаққатли, мураккабдир. Инсон воқеликни идрок этиши учун дастлаб уни кўриши, ҳис

этиши лозим. Тасаввур қилинаётган воқеа, ҳодиса бўлса, кўриш ва сезиш органларининг роли ҳам йўқолади. Бунда фақат инсоннинг тасаввур қобилияти, хаёл дунёси фаоллашади, аммо оллоҳ тасаввур ва хаёл қилиш қобилиятини ҳаммага ҳам бир хилда бермаган. Бу қобилиятнинг шаклланиши инсоннинг амалий ва интеллектуал тажрибасининг кўлами билан боғлиқ. Шу сабабли воқеликни идрок этиш ва концептуаллаштириш турли ҳолатларда (айниқса, турли маданиятларда) турлича кечиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди. Воқеликдаги предмет воқеа - ҳодисаларнинг лисоний номланиши жараёни когнитив босқичдан ўтиши лозимлиги ҳақида юқорида гапирилди. Айнан шу босқичда ҳосил бўладиган когнитив структурани инглиззабон тилшунослар «percept» деб аташмоқда (Jackendorff 2004:307). Русийзабон олимлар ҳам «восприятие» атамасини кўллашдан кўра калкалаштирилган «перцепт», «перцептивный» калималарини маъқул кўришмоқда. Бу нафақат «perceive» феълининг аниқ таржимасини топиш қийинлиги билан боғлиқ бўлмаса керак. Ҳақиқатдан бу сўзнинг изоҳли луғатларда берилаётган мазмунини аниқ таржима қилиш ва она тилидаги муқобил атамани топиш қийин масала. Бироқ perceive фақатгина кўриш, сезиш, эшитиш орқали бажарилаётган жараён бўлмасдан, балки содир бўлаётган воқеликнинг мияда акс топиши (through of mind) жараёнидир. Демак, «идрок» физиологик жараёнлардан ташқари англаш, фахмлаш. тушуниш каби ақлий жараёнларни ҳам қамраб оладиган когнитив фаолиятдир. Воқелик ва концептнинг ўзаро муносабати ҳамда референция ҳодисалари билан боғлиқ муаммолар билан узоқ пайтдан буён шугулланиб келаётган Рей Жакендофф бир нарсада ҳақ: “Идрок қилинаётган дунё воқеликдир”. Перцепт («идрок ҳосиласи»)-тўлиғича мия (онг) «қопқонига тушган»; улар нейронларга ўрнашган формал структуралардан бошқа нарса эмас. Лекин идрокий тизимлар бизга «ташқаридаги» предметлар ҳақидаги сезгини, ҳисни ва туйғуни уйғотади. Биз борлиқдаги предметларни тажрибадан ўтказамиз, онгдаги идрокни эмас. Биз шу йўсинда тузилганмиз» (Jackendorff 2004:308). Аммо олимнинг «бу дунё инсоннинг идрок этиш ва

концептуаллаштириш (тушунчалар ҳосил қилиш) фаолияти, услуби маҳсулидир» (Ўша асар, 309) деган фикрига қўшилиш иложини топа олмадик (аниқроғи, синтактик) концептлар гуруҳларини ҳам ажратишни таклиф қилишмоқда (Бабушкин 1996; Волохина, Попова 1999; Langacker 1987). Ҳар қандай ҳолда ҳам эгалланган билимнинг шаклланиши ва тизимлаштирилишининг асосий воситаси тил тизимидир. Тафаккур бирлиги ва ментал ҳодиса сифатида юзага келадиган концептнинг лисоний воқеланиши ҳам нутқий тафаккур фаолияти натижасидир.

1.3 Модалликнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихи ҳақида

Мантиқий - лингвистик модалликни чуқур ва ҳар томонлама назарий ва амалий ишлаб чиқиш биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки уни ифодалаш ягона тил воситаларининг асосини ташкил қилувчи ва нутққа (мулоқотга) олиб чиқувчи асосий услуб бўлиб қолади. Модаллик категориянинг таҳлил қилишда унинг мантиқий ва лингвистик хусусиятини ҳисобга олиб, ушбу категориянинг келиб чиқиши, ривожланиши ва қўлланиши таҳлил қилишга қарор қилдик. Мазкур мақола биз Аристотел ва стоиклар мактаби вакилларининг мантиқий категорияларнинг шаклланиши ва ривожланишига қўшган илмий изланишларини таҳлил қилиб, уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятини кўрсатишга эътибор бердик. Обьектив воқеликнинг ўзгариб, ривожланиб бориши ва у ҳақдаги билимнинг ўзгаришига қараб, фан категориялари ҳам сон ва мазмун жиҳатдан такомиллашиб бойиб борган. Категория тизимида объектив одам ва унинг ҳодисалари акс этади, чунки фан категориялари воқеликдаги ҳодиса ва уларни билишнинг муҳим хусусияти ва муносабатларини акс эттирувчи умумий асосий тушунчалар бўлиб, тилда унинг воситалари ёрдамида ифодаланади. Мантиқ категорияларини аниқлашда Аристотельнинг хизмати катта. У категориялар ва қадимги юнон тили материали асосини ташкил қилувчи содда гаплар таркибида таҳлил қилиб, гапнинг учта семантик моҳиятига: 1) тирик мавжудот, 2) жинс ва тур, 3) гапда сўзларнинг синтактик вазифани (эга) бажаришига эътибор беради.

Аристотел ўнта категорияни (моҳият, миқдор, сифат, муносабат, ўрин, вақт, ҳолат, эгалик, ҳаракат, сузлик-мажхуллик) аниқлаб, кейинчалик ўзининг “Метафизика” асарида уларни умумлаштириб, учта категорияга бирлаштиради: 1) моҳият, 2) ҳолат, 3) муносабат. Ушбу категорияларни у борлиқнинг асосий жинслари деб қарайди ва уларнинг олами билишдаги аҳамиятини юқори баҳолайди. Аммо Аристотелнинг категорияларни бундай тасниф қилиб, гуруҳларга бўлишидаги илмий, фалсафий, мантиқий қарашини аниқлашга тўғри келади. [5, 71-72] Шунингдек, тилшуносликда эътироф этилган семантик пропозиция предикатлар билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда турлича семантик тушунчаларни (истак, инкор, чин, хато, реал, тасдиқ ва ҳ.к.) ифодалашга хизмат қилишини ҳам унинг ҳақидаги хусусиятлари: 1) аввал бошда пропозиция аниқ тафаккур шакли сифатида ҳукмга мос тушиб, у модал қисм ва диктумлардан ташкил топган; 2) бу тушунча кейинроқ субъектив модалликдан ажратилиб, мужассамлаштирилган (гавдалантирилган) ҳукм сифатида изоҳланган; 3) ҳар қандай гап бўлагига қўлланилиб предикатлар билан уйғунликда ҳаракатнинг муайян мақсадга йўналтирилганлигини ифодалаш масаласи ҳам таҳлил қилинди. Бундан ташқари мазкур бобда мантиқшунос олимларнинг мантиқий модалликни гапнинг ички ва ташқи хусусиятларини семантик қурилмалар ёрдамида тушунтиришга оид фикрларига алоҳида эътибор берилди. Гапда модаллик хусусиятининг шаклланиши тил категорияларига боғлиқ эканлиги мулоқат жараёнида мантиқий категорияларнинг семантик хусусиятлари илмий текширилди. Ўрта аср уйғониш даврида модаллик мантиғининг янада ривожланганлиги тил омиллари (далиллари) асосида кўрсатишга ҳаракат қилинди. Аристотелнинг мантиқий таълимоти Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг мантиққа оид асарлари Шарқ орқали Европага кириб келди. Ўрта_аср Европасида мантиқ масалалари асосан умумий ва яқка тушунчаларнинг ўзаро муносабати доирасида ўрганилган. Фарбда ўрта асрларда Сукрот, Афлотун, Арасту каби буюк алломалар бўлмаса-да, бу даврда илмий - фалсафий тафаккур ривожланди ва Уйғониш даври

маданиятига замин тейёрлади. Шарқ илм-фани дурдоналарининг билимдони Николай Конрад таъкидлаганидек, Ўрта аср Шарқида ижтимоий – фалсафий ва мантиқий фикрларнинг ривожланиши Ғарб уйғониш давридагига караганда анча аввал бошланганлигини диссертацияда асослашга уриндик. Ғарб Уйғониш даврида модаллик мантиғининг ва семантик категорияларнинг ривожланиш босқичлари янада такомиллашганлигини таъкидладик. Ғарбда ҳам мантиқий модал категорияларнинг ривожланишини текширишга бир талай ишлар бағишланди. Бу даврда, яъни ХУ асрдан бошлаб Ғарбда фан икки йўналишда: 1) китоб босишнинг ихтиро қилиниши, 2) фаол тажриба йўли билан олинган натижанинг схоластик (қуруқ, мазмунсиз) назариядан устунлигининг исботланиши асосида юксалиб борганлигини далиллар билан кўрсатишга ҳаракат қилдик.


Ҳозирги замон тилшунос олимлари Порт-Роял грамматикасида трансформацион ва функционал грамматикаларнинг элементларини тилда қўллашда фойдаланмоқдалар. Муаллифлар тил моҳиятини англаб, грамматиканинг асосий вазифаси – тилнинг асосий қонунларини аниқ кундалик турмушдан олишдир деган муҳим назарияни ривожлантирдилар.

Янги даврда Европада мантиқшуносликнинг ривожланишини буюк мутафаккир Лейбницнинг мантиқ илмига оид фикрлари асосида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Мантиқ илмида Лейбницнинг асосий мантиқий тамойиллари катта аҳамият касб этди. Лейбницнинг модаллик тизимга *тасдиқ*, *мумкин*, *зарурият* ва *инкор* модал категорияларининг киритиши бизнинг илмий тадқиқотимизда янада ривожлантирилди. Унга асосан *умумий тасдиқ*, *айрим инкор дарак*, *умумий инкор дарак* ва *айрим тасдиқ* дарак гапларнинг модаллик хусусияти арифметикада табиий сонлар ёрдамида изоҳлаб берилди. Лейбницнинг мантиқий тамойиллари ва модаллик категориялари, математик мантиқ тўғрисидаги илмий фикрлари ҳозирги замон мантиқ илмида модаллик категорияси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, ҳозирги замон мантиқ илмида модаллик категориясини ифодаловчи шартли (рамзий) белгилар, модаллик мантиғининг синф ва модал ҳукмларга бўлиниши таҳлил қилинди. Бунда фикрни аниқ ва равшан қилиб ифодалашда гапларда қатор рамзий белгилар: харфлар, рақамлар, функторлар, модал операторлар каби пропозиционал боғловчиларнинг қўлланиши ва модаллик формулаларни ҳосил қилиши, рамзий белгилар модаллик мантиғида предмет орасидаги семантик муносабатларни, фикрларни тез ва содда ифодалашда хизмат қилиши, шунингдек модаллик мантиғининг тараққиёт даражасига қараб, *классик* ва *ноклассик* йўналишларга бўлиниши (ҳозирги мантиқ илмидаги *мантиқий*, *табиий*, *мутлоқ* ва *нисбий* модалликлар) тадқиқ этилиб, улар мисоллар билан кўрсатилди. Ушбу модалликларнинг ҳар бир синфи турли воқеликларни ифодаловчи модал ҳукмларни билдириб келди. Ҳукмларни модаллик бўйича бўлишда қуйидаги семантик синтактик таснифларга эътибор қаратилади: 1) тафаккурнинг асосий шакли бўлган ҳукм, нарса ва ходисалар, уларнинг турли белгилари, хусусияти ва муносабатлари ҳақидаги тасдиқ ёки инкор шаклидаги фикр, 2) гапнинг таркибий қисмига кўра ҳукм содда ва мураккаб ҳукмга бўлиниши аниқланади.

1.4 Модалликнинг концептуал лисоний воқеланиш жараёнидаги ўрни

Юқорида айтилганидек, когнитология турли фан соҳалари чорраҳасида юзага келган фандир ва унинг тадқиқот соҳаси «билимни тўплаш ва қўллаш усуллари тадқиқ қилиш» сифатида белгиланади (The Blackwell Dictionary of Cognitive Psychology 1990). Америкалик психолог Х. Гарднер когнитив фанлар чорраҳасида олти фан соҳаси туташини ва ягона бир илмий мақсад - табиий ва сунъий тизимларда билимнинг жамланиши, қайта ишланиши ва қўлланиши муаммолари ечимини ишлаш билан банд бўлишини қайд қилган эди. (Gardner 1987) Ушбу соҳалар муносабати қуйидаги:



Кўриниб турибдики, ушбу соҳалар ўртасидаги алоқа бир хилда амалга ошмайди, бинобарин, компьютер фанлари (сунъий интеллект) ва антропологиянинг фалсафа билан алоқаси кўпинча билвосита амалга ошади.

Тилшунослик ушбу фанлар чоррахасида мустахкам ўрин олган ва барча қавм соҳалар билан бевосита муносабатдадир. Шу сабабли когнитив тилшунослик инсоннинг билиш қобилияти ҳақидаги фан - когнитологиянинг марказий соҳаларидан бири сифатида эътироф этилади. Тилшунослик когнитология фани шаклланишида асос ёки пойдевор бўлиб хизмат қилган уч соҳа қаторидан бежиз жой олмаган бўлса керак. Бу соҳалар қуйидагилар: 1) инсонларга хос топшириқларни бажариш қобилиятига эга бўлган компьютер дастурларининг яратилиши; 2) когнитив психология доирасида билиш фаолиятининг руҳиятга оид томонларининг чуқур ўрганилиши; 3) генератив грамматика назариясининг тараққий этиши ва ушбу назария билан боғлиқ лингвистик йўналишларнинг пайдо бўлиши (Миллер 1964). Когнитология фанининг пайдо бўлиш санасини 1956 йилдан деб ҳисоблаётган мутахассислар (Muers, Brown 1986) унинг асосий вазифасини ақлий тасаввур қоидалари ва мантиқий хулосалар қонуниятларига таянган ҳолда табиий тил тизимини «қайта ишлаш»нинг талабга ва ҳақиқатга мос назариясини яратишда кўрадилар. Демак, cognition (когниция), яъни билиш фаолияти ахборот (маълумот)ни қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш ҳаракатларини қамраб олади. Бу турдаги ҳаракатлар ижроси лисоният захираларидан озуқа олади, бевосита ёки билвосита лисон билан алоқада бўлади. Инсоннинг

билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан ҳамохангдир. Эрнест Кассирер инсоннинг билиш фаолиятига борлиқни худди кўзгудек акс эттирувчи эмас, балки предметларнинг ички ёки ташқи моҳиятини акс эттирувчи ҳодиса сифатида қаралиши лозимлигини уқтиради. Бу фаолиятни, яхшиси, тасаввур ва идрокни уйғотадиган ёруғлик манбаига ўхшатиш маъқул: ёруғлик қанчалик равшан бўлса, манба шу қадар кучли бўлади ва биз предметни шунчалик аниқ кўрамыз (Cassirer 1923: 26). Билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма - концепт мазмунида айнан шу турдаги равшан ва аниқ кўринишга эга бўлган белги -хусусиятлар ўрин олади ҳамда концептнинг лисоний воқеланишида худди шу хусусиятлар етакчилик қилади. Воқелиқни акс эттириш тўғридан-тўғри тилнинг вазифасига қирмайди, бу вазифани дастлабки ўринда тафаккур бажаради. Лекин тафаккурда юзага келган ментал тузилмалар тил тизимида ўз ифодасини топади. Сўз, худди бошқа тил бирликларидек, алоҳида бир предметни ёки воқеани атовчи оддий бир ёрлик бўлмасдан, балки воқелиқни билиш воситасидир. Лисоний бирликлар воситасида ахборот йиғилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Бир сўз билан айтганда, тил бирликларининг когнитив жараён кечишидаги ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ментал тузилма - концептнинг лисоний белгига ўтиш жараёни қандай кечиши масаласи баҳсли мавзудир. Дастлабки ўринда концептнинг лисоний моддийлашуви онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсули эканлигини унутмаслик керак. Олдин айтилганидек, концепт шаклланишининг бошланғич нуктаси воқелиқ бўлаги (предмет) ҳақидаги тасаввур образнинг юзага келишидир. Бу образ оддий схема ёки шакл бўлиб қолмасдан, балки мазмунли ҳодисадир. Бошқача айтганда, субъект образнинг оддий шаклини кўрмайди ёки унинг мазмунини идрок қилмайди, у мазмунли образни идрок этади. Худди шу мазмунли образ лисоний белгига айланади ва бу белги маъносининг ўзагини ташкил қилади. Лекин воқелиқ - онг - лисоний белги ўртасидаги бундай узвийликни оддий такрорлаш кўринишида талқин этмаслик керак. Чунки онг воқелиқни лисоний белги воситасида оддийгина

акс эттирмайди, балки субъект учун муҳим бўлган белги-хусусиятларни ажратади ҳамда улар асосида идрок этилаётган объект (предмет, ходиса) иинг намунавий моделини яратади. Онгнинг бу турдаги аналитик -тахлилий фаолияти амалга ошишида лисоний белгиларнинг роли алоҳида эътиборга лойиқ. XVIII асрда яшаб ижод этган машхур фаранг мантиқшуноси Этьен Бано де Кондильяк (1715 - 1780) бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бирор бир белгининг ёрдамсиз биз ўйимизни маълум қисмларга ажратолмас эдик ва шу йўсинда фикр юритиш воқеликнинг бўлақларини алоҳида кўриш имконини беришини англай олмас эдик» (Кондильяк 1980: 84).

Мантиқшунослар билиш фаолиятининг асосий босқичлари сифатида *қиёслаш*, *умумлаштириш* ва *идеаллаштириш* (мавҳумлаштириш) ҳаракатларини қарашлари бежиз эмас. Бу ҳаракатлар билиш объектининг умумлашган образини ҳосил қилади. Албатта, умумлашган образ мантиқий фаолият натижаси сифатида воқеликдаги предмет, ходисаларни лисоний номлаш учун мантиқий ва маънавий асос яратади. Бирок ҳар қандай ҳолатда ҳам концептнинг лисоний ифода топиши предметли амалий тафаккур фаолияти шароитида кечади. Нутқий ҳаракатнинг болалар онгида шаклланиши, унинг онтогенезиси билан махсус шуғулланган Ж.Бруннер (1984:22) тил ўзаро фаолият воситаси сифатида ўзлаштирилишини таъкидлаб, «тилни ўзлаштиришда лисоний қобилият тугма бўлмасдан, балки инсон диққати ва амалий фаолиятининг айрим хусусиятларигина тугма бўлиши мумкин», деб ҳисоблайди. Ўз ота-онаси, атрофдагилардан амалий ҳаракат намуналарини ўзлаштираётган болада кўраётган предметлари ва кузатаётган ходисаларини номлаш қобилияти шакллана боради ва бунинг натижасида унинг билим доираси кенгая боради. «Тил ўзлаштириш жараёнида предмет ва ходисаларни нафақат бевосита идрок этиш мумкин, балки уларни тушунчалар, турли муносабатлар тизимига киритиш имконияти ҳам туғилади. Бу эса ўз навбатида, улар (предмет - ходисалар) ҳақидаги билим миқёсини кенгайтиради» (Пиаже 1984: 326). Ушбу муаллиф эътирофича, билимнинг сарчашмаси доимо ҳаракатдир, янгидан-янги

объектларни идрок этишга йўналтирилаётган билиш ҳаракати амалий концепт шаклланишига туртки бўлади.

Концептнинг лисоний моддийлашув жараёни яна бир муҳим ментал босқични босиб ўтади. Воқеликнинг тафаккурдаги умумлашган инъикоси - образнинг мантикий «қайта ишланиши» натижасида ҳосил бўлган концепт лисоний «либос» олишидан олдин ушбу «либос»нинг тасаввурдаги акси - модели юзага келади. Лисоний воқеланиш режаси пайдо бўлган заҳотиёқ уни амалга ошириш услуби изланади. Режа ҳамда «сўзсиз» модел нолисоний ёки «ботиний нутқ» жараёнида юзага келади. Ботиний нутқнинг юзага келиш муаммоси билан шугулланган психолог ва психоллингвистлар ушбу ҳодисани турлича талқин қилиб келишмоқда. Улардан айримлари ботиний нутқни оддийгина қилиб, ўз-ўзига гапириш билан тенглаштирсалар, бошқалари уни алоҳида ташқи (зоҳирий) нутқдан бутунлай фарқ қилувчи ҳодиса сифатида таърифлайдилар. Бироқ, энг муҳими, ботиний нутқ зоҳирий нутқнинг асосини, негизини ташкил қилишини олимлар эътироф этиб келишмоқда. Дарҳақиқат, нутқий фаолият ижро (талаффуз) ва эшитиш (мазмун идроки) босқичларидан ташқари яна бир босқични ўз ичига олади. Бу ташқи ёки зоҳирий нутқни режалаштириш билан боғлиқ яширин жараёндир. Ички схема ўзига хос дастурлаш хизматини ўтаб, лисоний номланиши лозим бўлган концептнинг мундарижасида мужассамланган асосий мазмуний хусусиятларини акс эттирмоғи даркор. Ботиний нутқ концептнинг лисоний воқсланишини таъминловчи жараёндир. Ушбу жараёнда бўлғуси лисоний бирликнинг тузилиши ва мундарижаси шаклланади. А.А. Леонтьев лисоний бирликнинг ботиний дастури ва қолипи муҳим мазмун кўрсаткичларидан таркиб топишини ва бу кўрсаткичлар нутқий тузилма учун муҳим бўлган субъект, предикат, объект бўлақларининг муқобил «изи»дан иборат бўлишини исботлашга ҳаракат қилган эди (Леонтьев 1969: 159). Ботиний нутқнинг энг асосий хусусияти унинг шароитида лисоний бирлик мазмунан тўлиқ шаклланиши ва турли маъновий ўзгаришлар босқичларини (маъно кенгайиши; мураккаб тушунчаларни ифодалаш учун маъно бўлақларини бир-

бирига «ёпиштириш» каби) босиб ўтиши билан боғлиқ эканлигини Л.С. Выготский ҳам таъкидлаган.

Хуллас, ботиний нутқ жараёнида концепт, биринчидан, маълум мазмун шаклини олса, иккинчидан, лисоний белги танлови босқичига тайёргарлик кўради. Худди шу ҳозирлик лисоний моддийлашувдан олдинги ҳаракатлар воситасида номинатив бирликнинг денотатив асосини мазмунан бойитади. Бу билан лисоний танлов имконияти ҳам кенгаяди. Лисоний танлов эса алоҳида кўринишдаги лисоний тафаккур фаолияти натижасидир. Бу фаолиятнинг кўчиши тил ўзлаштирилиши ва нутқий қобилят ҳосил бўлиши жараёнларига мос равишда кечади. Маълумки, инсон тил ва моддий оламни бир хил услубда ҳамда бир хил йўналишда ўзлаштиради. Моддий дунё идроки айни пайтда идрок этилаётган предмет - ҳодисалар ҳақида тушунча туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна - концепт сифатида шаклланиб, моддий ном олишини тақозо қилади. Бу хилдаги кўп босқичли лингвопсихик фаолиятнинг натижали (натижа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишидан қатъий назар) кечишида асосий ролни лисоний хотира ўйнайди.

Ҳақиқатан ҳам тафаккур жараёни ва лисоний фаолият бевосита йўналтирилган ахборот фаолиятининг (уни жамлаш сақлаш, узатиш ва қабул қилиш) лисоний ва рамзий белгилар тизими воситасисиз амалга ошиши мумкинлигига ишониш қийин. Белги ўз-ўзидан ахборотни ярата олмайди, у фақатгина воқеликнинг ҳали лисонгача бўлган тасаввур образига шакл беради ва шу йўсинда ахборотни таркиблаштириб, тартибга солади ҳамда такдимотга тайёрлайди. Шу ўринда Гегелнинг сўзларини эслатмоқчимиз: «Материя ҳақидаги фикр, сўзсиз шакл тамойилини талаб қилади ва шу сабабли биз ҳеч қерда амалда шаклсиз материяни учратмаймиз» (Гегель 1974: 293). Шундай қилиб, белги инсон тафаккур фаолиятини тизимлаштириш учун хизмат қилади. Тафаккур ва мулоқот қисман инсондан бошқа мавжудотларга ҳам хос бўлиш мумкин, аммо тўпланган тажрибани рамзийлаштириш, уни қайта ишлаш ва ундан ижтимоий мақсадда

фойдаланишда махсус восита-белгиларни кўллаш фақатгина инсонга хос хусусиятдир. Шундай экан, белгилар тизимини оддий жамлама сифатида, тасаввур қилмаслик лозим. Ушбу тизим инсоннинг билиш фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Усиз концептуал билим ва унинг доирасида юзага келадиган бирликларни тартиблаштириш, маълум таркибий қисмларга ажратиш ва гурухлаштиришнинг имконияти йўқ. Ушбу хусусиятларни аниқлаш учун концептлар турларини фарқлаш ва умуман лисонгача бўлган бирликларнинг систем-структуравий кўрсаткичларининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш лозимдир.

Тафаккур ва лисонни боғловчи «кўприк» бўлишини уқтирган ва мазкур вазифани ўтайдиган «оралиқ тил» мавжудлиги ҳақидаги илмий фаразни тақлиф қилган олим Ю.Н. Караулов ушбу «тил»нинг структураси, тузилиши ҳақида савол туғилиши мумкинлигини ҳам унутмайди. Табиийки, ҳар қандай структуравий тузилма ўз таркибий қурилишига, қисмлар ва бўлақлар боғланишини таъминловчи муносабатлар тизимига эга бўлиши керак. Бу шартлар бажарарилмаган тақдирда тизимлилик хусусияти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин концептуал босқич (концепт юзага келиши ва лисоний воқеланишга тайёргарлик жараёнини шу хилда аташ маъқулроқ.) бирликларини фарқлаш ва уларнинг систем-структуравий муносабатларини ёритиш анча мушкул вазифа. Тадқиқотчи бу ерда мантикий, методологик қийинчиликларга дуч келиши, ушбу материал тадқиқига мос келадиган таҳлил методларини танлашда қийналиши ҳам табиийдир. Дарҳақиқат, мутахассислар (тилшунос ва психоллингвистлар) оралиқ босқичда юзага келадиган ҳодисаларнинг фақатгина индивидуал хусусиятларини эътироф этишаётган бир ҳолда, уларни ўзаро фарқлаш ва тизимлаштириш ҳақида ўйлаш мумкинми?

Бир гуруҳ психоллингвистлар кўйилган муаммо билан шуғулланишнинг ўзи истиқболсиз машгулот эканлигини ва у ҳеч қандай илмий натижага олиб келмаслигини таъкидлашга ҳаракат қилишди (Қаранг: Исследование речевого мышления в психоллингвистике. -М.: Наука. 1985: 68). Бундай

гумоннинг пайдо бўлиш сабаби, биринчидан, структуравий бирлик сифатида фақатгина белги либосидаги бирликларнинг қаралишида бўлса, иккинчидан, ушбу бирликларнинг хусусиятларини аниқлашда интроспектив метод кулланишини ягона йўл сифатида эътироф этилишидадир. Интроспектив метод ўз-ўзини кузатиш тажрибасига асосланган тадқиқот методидир. Ушбу методнинг психология учун муҳим ва самарадор эканлигини инкор этмоқчи эмасман. Аммо тилшунослик фанида интроспектив ёндашув ҳар доим ҳам ўзини оқлай олмаслиги маълумдир. Сўзсиз, воқеликни идрок этиш жараёнида юзага келадиган бирликларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш ниятининг ўзи бесамар мақсаддир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган бирликларнинг сони, худди ташқи дунё предмет - ҳодисаларининг миқдоридек чексиз. Бунинг устига, бу бирликларни ва «оралиқ тил» захирасидаги воситаларни бевосита кузатиш қийин вазифадир. Оралиқ босқич бирликларини «қайта тиклаш» лозим бўлади ва шундагина уларни тадқиқ қилиш мумкин. Лекин ушбу қийинчиликлар бу босқичга оид ҳодисалар тартибсиз, уларни тизимлаштириш ва таркиб-структура жиҳатидан ўрганишнинг имкони йўқ деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Табиий тил қурилишининг систем-структур таҳлил услубларини олиб кўрсак, аслида бу ўринда ҳам тадқиқотчи «қайта тиклаш» ҳаракатини бажаришга мажбур. Ахир бу ўринда ҳам тилшунос оғзаки нутқ (ёки унинг матндаги акси) фактларига таянган ҳолда бевосита кузатилмайдиган тил тизими ҳақида фикр юритади ва илмий хулосалар чиқаради-ку?! Шундай экан, оралиқ ёки концептуал босқич бирликларини ҳам турларга ажратиш, гуруҳлаш, умумлаштириш имкони бор. Гап фақатгина ушбу тизимлаштириш ҳаракатини қандай методологик нуқтаи назардан ва қайси услуб асосида бажаришда. Ю.Н. Караулов бу вазифани ўртача намуналарга яқинлаштириш ҳамда меъёрий кўрсаткичларни аниқлаш ва умумлаштириш йўли билан бажаришни таклиф қилади. Бундай йўл математикада, масалан, ушбу мантиқий ҳаракатларнинг эркин ассоциацияларни ўртачалаштириш (намунага яқинлаштириш) ва ассоциатив меъёрларни аниқлашда қўл

келганлиги маълум (Караулов 1987: 188). Шундай экан, меъёрлаштириш ва мантикий намуналарга таяниш услубларини концептуал бирликларни ажратиш, ўзаро фарқлаш ва уларнинг тизимдаги муносабатларини ўрганиш мақсадида ҳам қўллаш мумкин.

Айтиш жоизки, ушбу босқичга оид бирликларнинг турлари ва уларнинг гурухлари хақида турли таклифлар берилмоқда. Ана шундай таклифлардан бири Ю.Н. Карауловнинг юқорида бир неча бор эслатилган рисоласида келтирилган. Ушбу асарда оралиқ тил бирликлари қаторига «образ», «гештальт», «схема», «фрейм», «пропозиция», «картина», «символ», «формула», «диаграмма», «сўз» кабилар киритилган (Караулов 1987: 189-210). Бошқа муаллифлар эса хотирада эгалланган билимнинг акс топишини ифодаловчи тузилмалар қаторини «скрипт», «сценарий» (Rumelhart 1975), «когнитив модел» (Fillmore 1977), «ментал модел» (Johnson - Laird 1983), «ситуация модели» (ван Дейк 1989) кабиларни киритиб бойитишади. Ушбу структуравий бирликлар қанчалик бир-бирларидан фарқ қилишларига қарамасдан, умумий бир хусусиятга эгадирлар. Улар тафаккурда тўпланган ва сақланаётган ахборот қисмларини сақловчи «кутича»лардир.

Ушбу «кутича»ларнинг таркиби ва иш фаолияти хотира фаолияти билан боғлиқ. Хотирада мавжуд бўлган билим захираси янгидан идрок қилинаётган воқеликни ментал «қайта ишланиши»да муҳим рол ўйнади. Янги воқелик эскиси билан қиёсланади, янги билим мавжуд бўлган билим асосида юзага келади. Бу ўринда олдинги тажрибани қўллаш асосида шаклланадиган билим концептуал қурилмаларнинг умумлашган тузилишига эга эканлигидан далолат беради. Олдинги тажрибанинг фаоллашуви идрок шахсининг фаол ҳаракати асосида юзага келади. Борлиқни биз ўз қизиқишимиз, эҳтиёжимиз доирасида қабул қиламиз. Севишган оламга эҳтиросли кўзлар билан боқса, оч қолган одам егулик излайди, унинг учун нон, гўшт, узум муқобил, чунки уларнинг барчаси очликни қондира олади. Архитектор ва дин хомийси учун меъморий ёдкорликлар бир хил мазмунни касб этмайди. Архитектор, масалан, Шердор ва Бибиҳоним ёдгорлик

биноларини қурилиш услуби, нақшлари, сақланиши ва қайта тикланиши жиҳатидан бахоласа, дин ҳомийси уларнинг ибодат ёки таълим маскани бўлишига эътибор қаратади. Натижада, «инсоннинг идрок фаолияти жараёнида (унинг қизиқиши ва эҳтиёжига нисбатан) предмет ва ходисаларнинг идрокий (тушунчавий) умумлаштирилиши юзага келади» (Хофман 1986: 63) ҳамда «овкат», «дарахт», «дарё», «бино», «Мадраса» каби тушунчалар ҳосил бўлади. Воқеликни қисмларга ажратиш ва умумлаштириб идрок этиш фақатгина инсонга ато қилинган қобилиятдир.

I - боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда биз модаллик категорияси ҳақидаги илмий-назарий қарашларнинг тилшуносликда талқин қилиниши ва модаллик категориясининг мантикий-гносеологик тадқиқи масалалари, когнитив тилшуносликда тил ходисаларини ўрганишнинг асосий муаммолари ва модалликнинг концептуал лисоний воқеланиш жараёнларидаги ўрни каби хусусиятлари ҳақида фикр юритдик.

Гапнинг ички ва ташқи хусусиятларини тушунтириб, таҳлил қилиб беришда модаллик категорияси олимларнинг кўплаб баҳс-мунозараларига сабаб бўлган. Чунки модаллик, биринчидан, объектив борлиқни иисон онгида акс этиши ёки воқеликка бўлган нутқ мазмунининг муносабатини ифодаласа, иккинчидан, гапнинг турли типлари модаллик категорияси билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир гап ўзи учун муҳим конструктив белгиси бўлган модал маъноларни, яъни воқеликка бўлган муносабатни қамраб олади. Бирор мақсадга йўналтирилган ҳар қандай гап мазмуни, ҳиссиёт, ундаш у ёки бу гап шаклида воқеликни акс эттиради ва бу тил тизимида мавжуд бўлган гапнинг иптонацион тузилишига ўралиб, феъл майллари ёрдамида синтактик маъноларнинг бирини ифодалаб, модаллик категориясини ташкил қилади.

Герман ва герман тилларида модаллик категориясини ифодалашда бошқа майлларга нисбатан индикатив конъюнктивга зид кўйиш ҳоллари бор. Буни биз мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бу майлларнинг ҳар бири эркин, мустақил маъноларни, масалан, индикатив реал, тасдиқ, чин-

хато ва ҳ.к. тушунчаларни ифодалаб келса, конъюнктив эса истак, тахмин, илтимос, буйруқ каби маъноларни англатиб, тилда турли воситалар билан, жумладан, 1) морфологик (феъл майллари), 2) лексик (модал феъл ва сўзлар каби), 3) синтактик (сўз тарихи, оҳанг ва ҳ.к.) усуллардан фойдаланади.

инглиз тилида модаллик категориясини ифодалашда кўпроқ феъл майллари билан модал феъллар иштирок этса, инглиз тилида модал феъллар кўпроқ қўлланади. Немис тилида модал феъллар билан бирга модал сўзлар қўлланиб, улар семантик хусусияти жиҳатдан турли гуруҳларга бўлиниб, субъектив модалликни ифодалашга хизмат қилади. Рус тилшунослигида В. В. Виноградов талқинида модалликни турли далиллар асосида ўрганиш ва уни мустақамлашга қарамай, модалликка нисбатан эмоционаллик ва экспрессивлик муносабатлари бўйича махсус илмий тадқиқот олиб бориш талаб қилишаётганлигини таъкидлаб ўтдик.

Модалликни шарҳлаш, унинг келиб чиқиш ўзагини асослаб тушунтириб бериш учун биз тилни объектив борлик билан боғлаб ўрганиш, унинг келиб чиқиш ва моҳиятини илмий билиши билиш назарияси билан боғлашга уриниб кўрдик. Буни модал сўзларни семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишда яққол ҳис этдик. Тил модаллигининг моҳиятини тушунтириб, ёритиб беришда биз узлуксиз ҳаракат тамойили бўлган амалий тажрибага асосланиб, умумлашган назарий далилларга ўғишга ҳаракат қилдик. Натижада сўзловчининг муносабатига қарашли бўлган тил қонунининг морфологик, лексик ва синтактик ифодаланиш йўли ва ўзаро нутқий алоқа (муносабат) жараёни, унинг учун модаллик моҳиятини тан олиш катта аҳамият касб этди.

Ўзбек тилшунослигида гап мазмунининг объектив борлиққа ёки сўзловчининг объектив борлиққа муносабати модаллик деб тушунилишини мисолларда кўрсатдик. Модаллик деганда гапнинг субъект билан борлиққа бўлган турли маънолари тушунилар экан, аввало, бу маъноларни икки гуруҳга: 1) объектив модаллик, 2) субъектив модалликка бўлиб ўрганишни лозим топдик. Модаллик сўзловчининг ифодаланаётган фикрга

муносабатини билдирувчи грамматик-семантик категория сифатида намоён бўлиши, айтилаётган фикрнинг реал-нореал ҳолатга муносабати (тасдиқ-инкор, мумкинлик, тахмин, шубҳа кабилар) турли воситалар орқали ифодаланишини таҳлил қилдик. Модаллик категориясининг ҳозирги ўзбек тилида феълнинг модал шакллари (*мас, моччи эди, -гиси келди, -ганида эди* ва ҳ.к.) билан ифодаланишини таҳлил қилдик. Феълнинг бу шакллари ҳаракатнинг миқдорий белгиси, унинг бажарилиш тусини, ҳаракатнинг бажарувчи томонидан турлича баҳоланиши сингари модал маъноларни англатиши ва феълнинг модал шакллари тузилиш жиҳатдан синтетик ва аналитик шаклларга бўлинишини далиллар билан кўрсатдик. Ҳозирги ўзбек адабий тилида модаллик категориясини ифодалашда модал сўзлар ва юкламалар фаол иштирок этиб, гапнинг семантик хусусиятини очиб беришда катта рол ўйнашига алоҳида эътибор бердик. Ҳозирги замон тилшунослигида мавжуд фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришни модаллик категориясининг кўлланишини бир неча семантик гуруҳларга ажратиб кўрсатдик. Модаллик категорияси Герман, герман, рус тилларида: 1) оҳанг, 2) сўз тартиби, 3) майл, 4) модал юкламалар, 5) модал сўзлар, 6) модал боғловчилар, 7) феълнинг шахсиз шакллари, 8) «модал феъл + инфинитив» курилмалари ёрдамида берилган бўлса, ўзбек тилида: 1) оҳанг, 2) сўз тартиби, 3) майл, 4) модал юкламалар, 5) модал сўзлар, 6) тўлиқсиз феъллар, 7) модал феъллар, 8) махсус феъл шакллари, 9) сўз бирикмалари орқали ифодаланишини аниқладик.

II-боб. Модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал семантикаси

2.1 Инглиз тилида модаллик категориясини феъл майлларнинг ёрдамида ифодаланиши

Майл шакллари объектив модалликни ифодаловчи сифатида қаралиб, у ёки бу шаклни эса сўзловчи танлайди. Шундай экан, модалликнинг ҳар

қандай тип (объектив ёки субъектив) сўзловчи тил воситасини қандай коммуникатив мақсадда қўллашига боғлиқ. Бу эса синтактик аспектда лингвистик модалликнинг энг долзарб масала эканлигидаи далолат беради. Модаллик категориясининг морфологик йўллар билан ифодаланиши, асосан, майл шакллари ёрдамида амалга оширилади. Инглиз тили анъанавий грамматикасида учта майл бор: **аниқлик**, **буйруқ** ва **истак майллари**. Бу учта майл ҳам ўзига хос модаллик хусусиятига эга. Аниқлик майли сўзловчининг реал фактга бўлган муносабатни ифодалайди. Иш харакатнинг амалга ошиши эса бевосита феълнинг замон шаклларига боғлиқ. Истак майли турли хил шакллар мажмуини ҳосил қилиб, қўлланиш жиҳатдан зиддиятларни келтириб чиқаради. Улар қуйидагилар:

Биринчидан⁸, шакллар мажмуи ўзини олдинги шакллар парадигмасини ўз ичига олади: ҳозирги стилистикада (be) юқори даражада архаиклашиб ғоят чекланган (*If it be true...*), (*were*) шакллариининг услубий мақсадларда кенг қўлланиши (*If were you, I should do it*) ҳамда ушбу шаклнинг ҳозирги замон парадигмаси билан мос тушиши, аммо учинчи шахсда « -s » қўшимчасининг йўқлиги билан ажралиб туради (*I suggest that he go*).

Иккинчидан, шакллар мажмуи ўтган замоннинг претерит ва перфект шакллариини ўз ичига олади, аммо замонлар мослашувида ва темпорал маъносининг йўқлиги билан фарқ қилади ва асосий феъллар (*should, would*) ҳисобланади. Дарслик муаллифлари ҳозирги замон инглиз тилида бу учта майлни (аниқлик, буйруқ ва истак майллари) мавжудлиги ҳақида фикр юритади. Истак майлининг модаллик хусусияти ва унинг қўлланиши ҳақида тегишли мутахасислар ўз фикрларни илгари суришган. Жумладан, инглиз тили тадқиқотчилари Г. Суит (1981,70), И. Смирницкий (1959, 345-351), И.И. Хлебникова (1965, 354-363), Л.С. Бархударов (1973, 139, 275-401), Ж. Лайонз (Lyons 1978,703), М. Хэллидей (Halliday 1976), А. Ильиш (1981,71), Г.В.

⁸ И.П. Иванова. В.В.Бурлакова, Г.Г.Почепцов - Теоритическая грамматика современного английского языка. М.. «Высшая школа», 1981. с.68-74

Колшанский (1961, 94-98), Л.С. Ермолаева, (1963, 119-126, 1987, 68-77), И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Почепцов(1981, 68-74), И.Р.Гальперин (1981, 113-123), Н.А. Слюсарева(1986, 41-76) ва бошқаларнинг асарларини эслатиб ўтиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилшуносларнинг истак майлининг қўлланиши тўғрисидаги фикрлари ҳам хилма-хилдир. Хусусан, Дейчбейн истак майли билан боғлиқ бўлган 16 та майлни ташкил қилувчи парадигмани таклиф қилади, айти вақтда Л.С. Бархударов истак майлининг мавжудлигини инкор қилади. Кейинги тадқиқотларда истак майлининг лингвистик хусусиятлари ҳақида олимларнинг назарий қарашлари турлича. Шу нуқтаи назардан, баъзи олимларнинг асарларини таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, Г. Суит майлларнинг маъносига қараб уларни қуйидагича бўлади: нореал майлни «*Thought –Mood*»- деб атайди. Муаллиф ушбу майлни синтетик ва аналитик шакллар билан ифодаланишига қараб икки кичкина типга ажратади: ёрдамчи феъллар (*should, would*) аналитик шакллар ҳосил қилгани учун Г. Суит уларни кондизионалис (*Conditional Mood*) деб, *may* ва *might* билан бириктиб келган шаклларни эса *Permissive Mood* деб атайди. Истак майли-нинг шакл ва маъноларининг мураккаб вазиятда қўшилиб кетишини тушуниш мақсадида Г. Суитнинг қатор назарий фикрларни илгари суришга қарамай, унинг бу уриниши натижа бермади, чунки у истак майлининг семантик хусусиятини очиқ беролмади.

Ўтган замоннинг омоним шакллари претерит ва перфектлардир (*If he come, if he had come...*). Г. Суит улар орасидаги шакллар ҳолатини (*Tens-mode*) деб атади. Бундай ҳолда шаклларни баҳолаш эса, умуман олганда, аниқлик майли шаклларини сақлаб қолишга тўғри келади. Шундай қилиб, Г.Суит замон шаклларини баҳолаш йўлидан эмас, балки уларнинг маъносини англаш йўлидан боради. А.И. Смирницкий майлларни қуйидаги турларга бўлади: а) биринчи истак майли реалликка зид бўлмаган гап билан (*if he be ; I suggest that he go*) ; б) иккинчи истак майли эса, аксинча, воқеликка зид бўлган ва тахмин қилинган гап (*if it were, if he had known*); в) тахмин майл —

should нинг инфинитив билан бирикиб, ҳар қандай эга билан бирга қўлланиши (*should-should you meet him*); г) шарт майли - *should* ва *would* феъллари аналитик шакллар ҳосил қилиб, шарт эргаш гапнинг бош гапида қўлланади (*What would you answer if you were asked...*). Бундай семантик асосда қилинган тасниф, А.И.Смирницкийнинг феъл шаклларига асосланган.

Муаллиф ҳозирги ва ўтган замон истак майлининг феъл замонларига асосий эътиборни қаратиб, бу замонлар ўзининг модал маъноларн билан бир-бирдан фарқ қилишини таъкидлаб ўтади. А.М.Смирницкий фикрича, ҳозирги замон истак майлининг ўтган замон истак майлидан фарқи шуки, *Present Subjunctive* нинг феъл шакли гапдаги воқеликни тавсифламайди, яъни унга нисбатан эътироз ёки инкор маъносини билдирмайди. Ҳозирги замон истак майли ҳақида билдирилган асосий фикр борлиқдаги воқеликка бўлган ишончсизлик ҳолатидир. Демак, сўзловчи объектив борлиқдаги воқеликни мумкин, тахмин, рухсат каби маънолар сифатида қарайди.

Одатда ҳозирги замон истак майли эргаш гапларда *that* ва *if* боғловчилари қўлланади. Масалан, таққосланг: *I suggest that he go there* (Я предлагаю, чтобы он пошел туда) ёки *If it be so* (Будь это так) (ўша асар, 350). Мисоллардан кўринадики, бу ерда нореаллик ёки иш ҳаракат умуман амалга ошмайди, деб айтиш мумкин эмас. Берилган мисолларда бир оз бўлсада иш ҳаракат тахмин қилиниб, мумкин, истак, рухсат каби модал тушунчаларни англамоқда. Ўтган замон истак майли эса воқеликка бўлган зиддият, инкор ва бошқа эътирозларни билдириб, феъл шакли қўлланганда инкор хулоса тахмин қилинади: Мас, таққосланг: (*If I had time*) Если бы у меня было время (ўша асар 351). Ушбу мисолларда сўзловчида вақт йўқлиги тахмин қилиниб, иш-ҳаракат амалга ошишининг нореаллиги, қолаверса, истак маъноси мавжуд. Гапнинг асосий моҳияти сўзловчининг тўғридан-тўғри объектив борлиққа бўлган муносабатидадир.

Истак майли масаласи Б.А.Ильишнинг⁹ охириги асарида «The Structure of Modern English» ўта эҳтиёткорлик ва синчковлик билан ўз ифодасини

⁹ Бу ҳақда қаранг, ўша асар: Иванова ва бошқалар, М., 1981, с. 71.

топган. Муаллифнинг фикрича, истак майлига бўлган турли қарашлар муайян қийинчиликларни келтириб чиқарган. Бунинг сабаблари икки асосий тил омили билан боғлиқ: 1) бир хил шакллар турлича маъноларни ифодалайди; 2) бир хил маъно эса ҳар хил шакллар билан борилади. Бу шакл билан семантиканинг бир-бирига қарши қўйилишидир. Уларни тушуниш (таҳлил қилиш) эса субъективизмга олиб келади.

И.Б.Хлебникова эса майлларни иккига ажратади: шарт майли (Conditional - *should go, would go*) ва субъюнктив майл тизимини ҳосил қилмайдиган *however it might be, for you it should start trouble* синтактик шакллари ўз ичига олади. Бу тасниф исботланган назарияга асосланган бўлиб, шарт майлларининг шакллари ягона семантик типни ташкил қилади, қолган ҳолатлари эса шакл жиҳатдан мос келади, аммо системага тўғри келмайди (Хлебникова 1965, 361). Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, муаллиф шарт майли билан истак майлини бир-бирига зид қўймапти, чунки уларнинг келиб чиқиш тарихи битта майл бўлиб, битта модал маънони, яъни тахмин тушунчасини ифодалайди. Шунинг учун истак майлини таърифлаш учун унинг ифодалаётган модал маънолари ва шакллари ҳар бир тилда алоҳида кўрилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Л.С.Бархударов эса инглиз тилида истак майлининг борлигини инкор қилади. Унинг фикрича, *should* ва *would* феълларининг шакллари аналитик ҳисобланмайди. Бу феълларнинг иккинчи компоненти бўлган инфинитив эркин қурилмаларда келиб, синтаксисда қўлланиши мумкин. *If I knew, if I had known* шакллари Л.С. Бархударов ўтган замон ва ўтган замон перфект замон шакллари деб ҳисоблаб, улар алоҳида синтактик доирада бўлади, деган фикрни айтади (Бархударов 1973, 130).

Л.С.Бархударов истак майлининг мавжудлигини инкор қилар экан, буни ҳозирги кунда хорижий олимларнинг асарларида эътироф қилишини йўл-йўлакай айтиб ўтган. Дарҳақиқат, айнан инглизлар ўз она тилларида баъзи бир феъл шакллари майл сифатида қўллаш мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолдилар. Г. Суит айтадики, аниқлик майли билан истак майли орасида

катта фарқ йўқ, фақат *to be* феълнинг шакллари ва ҳозирги замон 3-шахс бирлик қўшимчасининг тушиб қолиши эътиборга олинаши зарур. Унинг фикрича, инглиз тили оғзаки нутқида бу фарқ йўқолади. Ҳамма ҳолларда *should* ва *would* модал феълларининг қўлланиши, шунингдек, улар ҳар хил модал маъноларни эркин синтактик воситалар билан ифодалаши керак. Уларнинг урғусиз ҳолларда редукцияга учраши мумкинлиги айрим шаклларнинг алоҳида қурилмалар ҳосил қилиб, айланиб кетишга асос бўлиб хизмат қилмайди : *I'd have acted differently if I'd known you were on the way* (Иванова ва бошқ., 1981, 73). Баъзи муаллифлар ажратиб кўрсатган модал маънолар (*may-might* -инфинитив феъли билан келган рухсат майли) алоҳида синтактик қурилмалар тарзида намоён бўлади, уларни морфология доирасига киритиш мумкин эмас (Воронцова 1960, 240).

Ж.Синклернинг «Инглиз тилининг оғзаки нутқ грамматикаси» асарида майлга тўртта қурилма типини киритади: сўроқ, дарак, буйруқ ва феъл кесими бўлмаган майл қурилмалар, масалан, *Yes ; At once, Sir!; Good evening; certainly*, шунингдек улар таркибига саломлашиш, сарлавҳалар ва ҳ.к. киритилган (Sinclair 1972, 62-71), бошқа ҳамма маънолар модал феъллар билан келган қурилмалар модаллик бўлимида ифодаланган. Шунингдек Ж.Муирнинг «Инглиз тили грамматикасига замонавий ёндашиш» китобида феъл шакллари майл деб аталиб, улар тасдиқ, сўроқ ва буйруқ маъноларини ифодалаган. Қолган модал маъно нозикликларини эса алоҳида ажратиб, модаллик бўлимига киритади. Т. Лангендои фақат буйруқ шаклларини майл деб атайди. Мазкур фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, инглиз тилида, ҳақиқатда, майлларнинг турли белги ва ҳолатлари бор. Бироқ лингвистлар ўз илмий тадқиқотларида бунга бутунлай қарама-қарши фикрларни ҳам билдирганлар. Бизнинг назаримизда, инглиз тили грамматикасида феъл асосий морфологик категория сифатида модалликни ифодалаб, аниқлик (дарак) майлига киритилган. Ушбу категория инкор, сўроқ ва модал инфинитивларининг феъл шакллари билан ўзаро муносабатда (боғланишда) бўлиши ифодаланган.

Германистларнинг ҳам модал категориясига қарашлари бир хил эмас. Г.В. Колшанскийнинг фикрича, модаллик, умуман, гапнинг бирор бўлагига тегишли бўлмасдан, балки у гапнинг умумий мазмунини қамраб олиш хусусиятига эга. Предикативлик алоқаси гапнинг мазмунини аниқлаб келади, аммо у ҳеч қачон гапнинг фақат бир томонини эмас, балки гап мазмунига тегишлидир. Бизнингча, дейди Г.В. Колшанский, модаллик хусусияти сўзловчининг ўз гапига бўлган муносабати тавсифланмайди. Гапни бундай аспектда таҳлил қилиш гапдаги мазмунни тахмин қилишга, яъни ҳар қандай гап (фикр) икки қатламда ҳосил бўлишига олиб келади: биринчи қатламда бирор нарса ҳақида қандайдир фикр пайдо бўлса, иккинчи қатламда шу гапдаги мазмун ҳақида яна бир фикр, бошқача айтганда, уни модал баҳолаш ғояси ҳозир бўлади¹⁰. Г.В. Колшанский гапнинг модал мазмунидан келиб чиқиб, таъкидлайди: модаллик объектив борликни (воқеликни) акс эттирувчи фикр, яъни «модус» томонидан олинган объектив ҳодисадир (мумкинлик, воқелик-тасдиқ, зарур-керак). Ушбу мазмун гап таркибида амалга ошиб, у гапнинг қандайдир таркибий қисмида алоҳида белги қолдирмайди. И.Б.Хлебникова модаллик ўзи нима деган саволга шундай жавоб беради: “Модаллик семантик категория, бу маънонинг кўриниши ёки маънолар мажмуи бўлиб, уларнинг тилда турли хил акс этишидир. Модаллик деб алоҳида мазмунни касб этувчи, турли хил тил бирликларига эга бўлган, зарур-керак маъносини (лексик ёки грамматик), мумкин (мумкин эмас) ва турли хил маъно нозикликларини ифода қилувчи хусусиятга эга бўлган категорияга айтилади” (Хлебникова 1965, 350-351).

И.Б. Хлебникова модаллик категорияси семантик категория, аммо у синтактик категория эмас, деган фикрни ҳам ўртага ташлайди. Албатта, бу фикрга биз қўшила олмаймиз. Масала шундаки, ушбу категория морфологик (майллар), лексик (модал сўзлар, модал феъллар) ва интонацион йўллар билан берилар экан, у ҳар қандай гап мазмунидаги семантик ва синтактик тушунчага асосланади. Бу эса сўзловчи ва тингловчи орасида коммуникатив

¹⁰ Колшанский Г.В. К вопросу о содержании языковой категории модальности ВЯ.№1.М.: 1961.с. 95

мулоқотни ҳосил қилади. М. Хэллидей¹¹ модалликни мулоқотнинг муҳим (функционал хусусияти - шахс орасидаги функция (*interpersonal*) деб қараб шундай ёзади: «Модаллик мулоқотда қатнашаётган сўзловчининг ифода шакли (*in the speech event*)» (Halliday 1976, 197). Унинг фикрича, ифода шакли туфайли сўзловчи ўз гапининг семантик ҳолати ва аҳамиятини (*validity*) очиқ беради. Кўринадики, модалликни М. Хэллидей тор маънода - тил категорияси сифатида фақат модал сўзлар бўлган воқелик ғоясини ифодаланиши тушунади, шунингдек у кенгроқ универсал категорияга киритилиб, муаллиф уни «сўзловчи шарҳи» (*speaker's comment*) деб атайди. Бундай воқелик фақатгина тилда махсус воситалар билан ифодаланиб қолмасдан, балки сўзловчининг объектив воқеликка берган (модаллик) баҳоси ҳамдир. Бундан ташқари модаллик равишлар билан ҳам (*frankly, fortunately, doubtfully* ва ҳ.к.) берилиши мумкин.

У.К. Юсупов модаллик категориясининг ифодаланишини ўзбек ва инглиз тилларидаги шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий таҳлилида кўради. Шарт эргаш гапларни модал маъносига кўра У.К. Юсупов тўрт турга бўлади: реал, мумкин, шубҳали ва нореал шарт эргаш гапли қўшма гаплар (Юсупов 1971, 102-118). Булардан биринчиси эпитет (*dreary* - ғамгин, *bleak* - хафа, *sad* - қайғули, *unmerciful* - шафқатсиз, *melancholy* - маъюс, *evil* - одобсиз), иккинчиси ундов сўзлардир. Эпитет матнда унчалик катта рол ўйнамас ҳам, у ўзининг синтактик функцияси бўлган атрибутга боғланиши сабабли фақат ўзига қарашли объектнинг хусусиятини тавсифлаб келади.

Субъектив баҳолаш модалликни ифодалаш учун ундов сўзлар ҳам иштроқ этишини юқорида айтган эдик. Улар асосан, сўзловчининг ички дунёсинини, яъни унинг ҳис-ҳаяжонини англаувчи тушунчаларни ифодалаб келади. Н.А. Слюсарева модаллик тушунчасини универсал семантик категория, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, «Модаллик категорияси сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати. Модаллик ўз ичига жуда

¹¹ Halliday M.K. System and function in language: Selected papers/Ed. By G. R. Kress London. Oxford Univ. Press. 1976.

кенг муносабатларни қамраб олиб, унинг қўлланиш хусусияти ҳам кенг семантик майдонни ташкил қилади. Сўзловчи содир этаётган ҳар қандай воқеликни акс эттирувчи - тасдиқ-инкор, реал-нореал, мумкинлик, истак, зарурият, инкор, шубҳа, афсусланиш, ишончлилик, тахмин ва ҳ.к. маънолари ифодаланган бўлади» (Слюсарева 198аб, 51-52).

Л.С. Ермолаева эса асосий эътиборни модаллик категориясининг дифференциал белгиларига қаратиб, модаллик гапнинг асосий белгисини ташкил қиладими деган саволга жавоб беришга уриниб кўрган. Муаллиф ушбу саволга ижобий жавоб бериш учун гапнинг фарқ қилувчи белгиларидан келиб чиқиб, уларни икки типга ажратади: биринчиси модаллик гапнинг асосий белгиси «соф кўринишда» бўлса, иккинчиси ушбу категория тилда сўз бирикмалари билан ифодаланади. «Модаллик, деб ёзади муаллиф, синтактик категория бўлиб, у гап мазмунининг воқеликда реал (нореал, буйруқ) муносабатини, шунингдек сўзловчи хабар қилган далилларга бўлган ишончлилик даражасини ифодалайди (Ермолаева 1963, 125). Охириги йилларда Л.С. Ермолаева модаллик категориясини турли герман тилларида (инглиз, немис, швед) қиёсий тарзда таҳлил қилади. У модаллик типларини уч гуруҳ: ички, ташқи объектив ва ташқи субъектив модаллашга ажратади. Л.С. Ермолаева ички модаллик деганда субъект томонидан бажарилаётган иш ҳаракатга бўлган муносабат (объект учун - воқеликка бўлган субъект муносабати) тушунилади. Инглиз тилида: *You must read the thing*. Ҳозирги замон герман тилларида модал феъллар ички модалликни ифодаловчи асосий тил воситалари ҳисобланади (Ермолаева 1987, 68). Гапнинг ташқи модаллиги деганда муаллиф гап мазмунининг воқеликка реал - нореаллиги (ташқи объектив модаллик) ва сўзловчининг хабар қилаётган фактга бўлган ишончлилик даражасини (ташқи субъектив модаллик) тушунади. Ҳозирги герман тилларида ташқи объектив модалликни ифодалаб берувчи асосий воситалар майллар, ташқи субъектив модалликни ифодаловчи воситалар эса модал сўзлар. Мазкур учта муносабат модаллик категориясининг асосини ташкил қилади, дейиш мумкин. Инглиз тилида модаллик категориясига оид

назарий фикрларни таҳлил қилар эканмиз, қатор муаммоларга дуч келамиз. Асосий масала модаллик категориясини ифодалайдиган майлларга бўлган муносабатни уч гуруҳга бўлиш мумки: 1) баъзи олимлар модаллик категориясини ифодалашда майллар йўқлигини таъкидласа, 2) бошқа тилшунослар ушбу категория майллар ёрдамида берилади деб, унинг мавжудлигини тасдиқлайдилар, 3) қолганлари эса модаллик категориясини ифодалашда, асосан, модал феъллар фаол иштирок этишини эътироф қиладилар.

2.2 Модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал семантикаси

Ҳозирги замон инглиз тилида модаллик деганда сўзловчининг гапда баён қилинган фикр-воқеликка бўлган турли муносабатини кўрсатувчи категория тушунилади [А.И. Смирницкий, 178 б.] Модаллик категориясининг ифодаланиши турли тилда турлича бўлиб, тилнинг ички ривожланиш қонунлари билан чамбарчас боғлангандир. Модаллик категорияси тушунчаси барча тилларга хос бўлса-да, улар шаклан бошқа-бошқа воситалар билан қўлланади. масалан, модаллик категорияси немис тилида қуйидаги усуллар: 1) морфологик (феъл майллари), 2) синтактик (интонация ва синтактик қурилмалар), 3) лексик – грамматик (модал феъл ва махсус иборалар), 4) лексик (модал сўзлар) усул қўлланади. А.И. Смирницкий инглиз тили грамматикасида модаллик категориясининг ривожланишида салмоқли улуш қўшган олим. Унинг фикрича, гапда модаллик ҳар бир гапнинг конструктив белгиларидан бири саналиб, у уч турга бўлинади:

1. Гапдаги фикрнинг аниқлигини ифодаловчи модаллик. Модалликнинг бу тури гапда баён қилинган фикрнинг реал, аниқлигини тасдиқлаш ёки инкор этишни ифодалайди.

2. Гапдаги фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи модаллик. Бу модаллик баён қилинган фикрга шубҳа, гумон, тахмин билан қарашни, реал-

амалга ошадиган, нореал-амалга ошмайдиган ёки шартли равишда амалга ошадиган орзу-истакларни ифодалайди.

3. Ҳаракатни бажаришга ундаш модаллиги. Бундай модаллик сўзловчининг воқелик ҳақида фикр юритибгина қолмасдан, балки ҳаракатни бажаришга ундашини, буюришини, қисташини, илтимос қилишни ҳам ифодалайди (А.И. Смирницкий, 1973, 170 б.).

Модаллик категориясини ҳозирги замон инглиз тилида таҳлил қилган лингвистлар фикрича, инглиз тилида модаллик тушунчаси қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1. сўзловчининг реал ёки нореал ҳаракатни баҳолашга муносабати;
2. субъект ҳаракатининг ўз ҳаракатига муносабати. Бу ҳаракатнинг инфинитив билан ифодаланиши, унинг ҳаракат қобилиятини тушуниш, иш ҳаракатнинг амалга ошишга тайёр ёки зарурлигини англаш;
3. иш ҳаракатнинг амалга ошиши учун сўзловчининг буюриши ёки истаги
4. сўзловчининг қандайдир учинчи шахс томонидан ўз фикрини билдириши, яъни бегона гапдан (нутқдан) ажратиб қўйиш. (О.Б. Хлебникова, 214)

Бу модалликнинг ҳар бири ўзига хос ифодаланиш тизимига эга. Биринчи тур субъектив ва кондиционал шакллари билан; иккинчи тур модал қурилмалар ёки ёрдамчи феъл ва инфинитив билан; учинчи тур буйруқ, индикатив, субъектив замон шакллари ва модал феълларнинг қурилмалари билан; тўртинчи тур субъектив ва кондиционал шакллари ва *shall, will* модал феълларининг қурилмалари билан ифодаланади. Бешинчи турга, модал феъллар билан келган аниқ қурилмалар *must, can, may* ва ёрдамчи феъл *be* ни киритиш мумкин. Бизнинг назаримизда, ҳозирги замон инглиз тили грамматикасида модаллик категориясининг моҳиятини чуқурроқ очиш учун яна битта модаллик турини ажратиш мумкин. Бу ерда сўзловчининг гапга бўлган муносабатини иш ҳаракатнинг реаллик ёки нореаллигини баҳолаш эмас, балки иш ҳаракатнинг амалга ошиши

мумкинлигини баҳолаш ва тахмин қилиш *must, can, may* даражаси кўзда тутилаяпти.

Гапнинг модаллик аспекти бўйича энг кўп бахсли муаммолардан бири грамматик маънолар, бир томондан, муносабатни ташкил қилувчи – тасдиқ ва инкор тушунчалар, иккинчи томондан, турли хил шубҳа, ишонч, истак каби тушунчаларни ифодаловчилар назарда тутилмоқда. Тилшуносликда ҳамма тил ҳодисалари турли модалликни ташкил қилиб, мураккаб ҳолатда бир-бири билан тўқнаш келиб, гапнинг модаллик аспектини ҳосил қилади, деган қараш бор. Бундан ташқари, тил ҳодисаларининг семантик моҳияти бир хил эмас, деган фикр ҳам йўқ эмас. Масалан, тасдиқ ва инкор маънолари гапнинг модаллик аспектига гўё алоқаси йўқдек. Шунинг учун бу тушунчаларни гапнинг модаллик аспектида эмас, балки бошқа ҳолатларда кўриш мумкин деган мулоҳаза бор. (Кобрина А.В., 124) Бинобарин, олимларнинг гапнинг модаллик хусусиятига доир бўлган қарашлари бир хил эмас. Бунинг сабабини аниқлаш учун тушунчалар орасидаги муносабатларга (ҳақиқатда муҳим бўлса) мос келувчи грамматик маъно ва шаклларнинг ифодаланиши гапнинг ички модаллик аспектида кўриш керакмикан ёки тасдиқ ва инкор муносабатларининг берилиши алоҳида ажратиб, уни “аффирматив-тасдиқ аспект” деб аташ тўғри бўлармикан?

Аниқ тил материални ўзлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси эса грамматик ҳаракатнинг шаклланишини, яъни узлуксиз нутқий мулоқотни амалга ошириш учун субъективнинг асосий функциясини, унинг маъноси ва шаклини аниқлаш, турли тил вазияларида субъективнинг қўлланишидаги тил омилларини очиб бериш, субъектив шаклларни машқларда ва нутқининг таъсирчанлигида тўғри қўлланиши талаб қилинади.

Оғзаки нутқ машқларида субъектив шаклларининг турли тил ҳолатларида қўлланиши алоҳида аҳамият касб этади. Кўпроқ амалий машқларнинг бажарилиши талабаларда субъективнинг кўп функционалликни тушунишга ва унинг шаклларини эслаб қолишга ундайди. Субъектив бажарилган, бажарилаётган ва бажарилиши мумкин бўлган иш

ҳаракатни ифодалаб, унинг реал ва нореал модаллик хусусиятларини изоҳлаб келади. Масалан, диалогик нутқ одатда турли хил модаллик нозикликлари билан бўялган бўлади: *шубҳа, ишончсизлик, афсусланиш, тана қилиш, ҳайратланиш* ва ҳ.к.лар гапнинг ҳис ҳаёжонлик хусусиятини ва таъсирчанлигини ифодалаб келади. Субъюнктивда бу семантик маънолар модал сўзлар ва бошқа воситалар билан келиши мумкин. Субъюнктивнинг диалогик хусусиятга эга бўлган машқларда қўлланиб, модаллик нозикликларини ифодалашининг асосий сабаби тил вазияти ҳисобланади. (А.А. Худяков, 13-16)

II-боб бўйича хулосалар

Ҳозирги замон инглиз тили грамматикасида олимлар модал маъноларнинг учта типини тавсия қиладилар ва уни батафсил ишлаб чиқадилар. Ушбу семантик категорияни ифодаловчи учта тип модаллиги конкрет маънодан мавҳумга қараб боради ва уларнинг ифодаланиш йўлидаги ўзаро боғлиқлик муносабати қуйидагича бўлади: 1) субъект ҳаракатининг ўз ҳаракатига муносабати. Бу тип модаллиги инфинитив билан ифодаланиб, модал маънонинг аниқ хусусиятини очиб беради. Ушбу тип модаллик ёрдамида «зарурият» ва «мумкинлик» модаллик маъноларининг ифодаланиши уз аксини топган; 2) сўзловчининг айтилаётган фикрга бўлган умумий муносабатининг ифодаланиши. Айниқса, бажарилиши мумкин бўлган иш-ҳаракатга сўзловчининг берган баҳоси. Ушбу ҳаракат эҳтимоллик даражаси ва модаллик маъносининг мавҳумлигини ифодалайди; 3) мавҳум тушунча даражаси бўйича модал қурилмалар маънолари конъюнктив ва кондиционалис шакллариининг маъноларига яқинлашишидир.

Охирги йилларда инглиз тили амалий грамматикасида модаллик категориясига қизиқиш янада ошди. Ушбу семантик категориясини қўллашда ҳозирги замон немис тилида субъюнктив(истак майли) феълнинг энг мураккаб грамматик категорияларидан бири ҳисобланиб, у гап мазмунининг воқеликка муносабатини билдиради. Талабалар субъюнктив қўллаш жараёнида, айниқса, нутқнинг таъсирчанлик хусусиятини ифодалашда

кўплаб хатога йўл кўядилар , натижада улар иложи борича субъектив феъл ва замон шакллари яхши ўзлаштирмаганликлари учун уни турли нутк вазиятларида мулоқот қилиш учун қўллай олмайдилар. Бу масалани ҳал этиш учун анъанавий инглиз тили грамматикасида кўплаб машқлар бажарилади.

Субъектив модаллик деганда сўзловчининг ўз гапининг мазмунига муносабатини ёки сўзловчининг хабар қилинаётган воқеликка бўлган муносабатини тушунилади. Ушбу модаллик немис тилида лексик воситалар ёрдамида ифодаланиб, уларга модал сўзлар, инфинитив феъллар ва юкламалар киритилган. Агар субъектив ва ички модаллик гапда ихтиёрий ифодаланган бўлса, унда объектив модаллик ҳар қандай гапда қатнашиши шарт. Бу шундай факт (ходиса) билан ўзаро боғлиқки, объектив модалликни (хабар қилган вақт билан воқеликнинг ўзаро боғланиши) предикативликдек, ҳар қандай гап таркибидан ажратиб бўлмайди. Юқоридаги маъноларнинг типлари объектив модалликнинг асосий ифодаланиш воситаси ҳисобланган феълнинг грамматик категорияси майл ёрдамида амалга ошади.

Ушбу ҳолатни биз реал воқелик билан қиёслаб кўрадиган бўлсак, грамматик майл ва шаклларнинг миқдори ҳам, унга бўлган лингвистларнинг қараши ҳам бир хил эмаслиги маълум бўлади. Масалан, рус тилидаги истак майлининг шакли ўзи учун фақат мумкинликни ифодалайди, лекин бу мумкинликнинг (тушунчанинг) реал ёки нореаллиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Рус тилида бу иккн маъно фақат лексик хусусияти билан фарқланса, немис тилида эса бу маънолар грамматлашган, яъни маъноларнинг ҳар бири учун мустақил грамматик шакл мавжуд бўлиб, улар шу маънони ифодалаш учун хизмат қилади. Шунинг учун немис тили системасидаги майл шакллариининг миқдори рус тилидаги шаклларга нисбатан кўпроқ. Бу эса, табиийки, рус тилидаги истак майлини ўрганаётган талабалар учун бир оз қийинчилик туғдириши мумкин.

Ш-боб. Инглиз ва ўзбек тилларидаги модаллик категориясини ифодаланувчи воситаларнинг қиёсий семантик тадқиқи

3.1 Ўзбек тилида модаллик категорияси ифода воситаларининг функционал-семантик тадқиқи

Модал категориясига бўлган эътибор ва қизиқиш туркийшуносларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Ушбу семантик категория турли аспектларда қатор олимлар (А.Н. Кононов, Н.К. Дмитриев, Н.А. Баскаков, Б.А. Серебренников, М.З. Закиевнинг) асарларида маълум даражада кузатиш объекти бўлган. Биз қуйида уларнинг модаллик категорияси ҳақидаги фикрларни умумлаштириб, қисқа таҳлил қилиш билан кифояланамиз. Туркийшуносларнинг модаллик категорияси ҳақидаги фикр - мулоҳазаларини тўртга бўлиш мумкин¹²:

1) кенг тарқалган фикр модаллик категорияси грамматик категория бўлиб, гап мазмунининг реал ва нореал хусусиятга эга бўлишидир;

2) модаллик сўзловчининг воқеликка муносаба-тининг грамматик ифодаланишини англатади;

3) модаллик баъзан модал ҳукмнинг аналоги, деб таърифланади. Бундай ҳолда тил модаллиги (ман-тиқий тушунча) ҳукм модаллиги билан айнанлашади (тенглашади);

4) модаллик муаммосини лингвистика, мантиқ ва фалсафа асосида ечиш мақсадга мувофиқдир, деган фикр ҳам бор.

Икки бош бўлакли модал гапларга хос хусусият шуки, уларда ҳам субъект, ҳам предикат бўлади. Бундай гапларнинг семантикасига қараб А.И. Кононов, уларни олти модал гуруҳга бўлади:

1) дезиратив (истак) модал гаплар,

2) тахмин модал гаплар,

3) заруриятни англатувчи модал гаплар,

¹² Миннихметов Р.Г. Модальные слова и частицы как лексико-грамматическое средство выражения модальности в татарском языке Уфы. 2000. АҚД, С 6

- 4) объектив мумкинлик модаллиги,
- 5) катъий зарурият объектив модаллиги,
- 6) хоҳламаслик (ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда) модал гап. (Кононов 1960, 347-350).

Икки бош бўлакли модал гапларнинг хусусияти бир бош бўлакли гапларда ҳам учрайди. Уларнинг иккн бош бўлакли содда модал гаплардан фарқи шуки, бир бош бўлакли модал гапларда субъект ва предикатдан биттаси бўлади. Ушбу гуруҳга кирувчи модал гапларни таҳлил қилар экан, А.Н. Кононов уларнинг беш турини тавсия қилади:

- 1) шахссиз модал гаплар,
- 2) шахси номаълум модал гаплар,
- 3) шахси умумлашган модал гаплар.
- 4) атама (номинатив) модал гаплар,
- 5) атов(вокатив-кириш) модал гаплар (Кононов, 400-405).

Сўзловчининг объектив воқеликка - референтга, семантикага, синтактикага, адресатга, нутқ вазиятига ва бу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигига бўлган муносабати турли йўллар билан ифодаланиши мумкин. Модаллик категорияси мулоқот омиллари билан узвий боғлиқ бўлади. Сўзловчи, суҳбатдош, референт, гап мазмуни шундай омиллар саналади. Реал воқелик биз учун жонли нутқ жараёнини таъминловчи ҳамма элементлар: муаллиф, семантика, синтактика, адресат, нутқ вазияти ва улар орасидаги муносабатлардир» (Миннияхметов 2000, 9). Масалан, А.Н. Кононов(1960, 219-406), Ғ. Абдурахманов (1996, 7-11), Академик А. Хожиев (1970, 137-145, 230-235), А.Ғ. Гуломов (1961, 36-39), С. Саидов (1964), Ҳозирги ўзбек адабий тили 1 (1966, 344-347), Ш. Шоабдурахмонов, М. Асқарова, А. Хожиев, И. Расулов, Х. Дониёров (1980, 380-439), Г.Н. Зикриллаев(1978), Р. Расулов(1983, 77-78), Д.М. Насилов (1983, 175-186; 1985, 204-207), А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва бошқалар(1992, 80-89; 1995, 56-58), У. Турсунов, А. Мухторов, Ш. Рахматуллаев (1992, 360-374), М. Миртожиев (1992, 135-136), Э. Қиличев (1992, 21-24), Ў.П. Лафасов (1996), А. Маматов(1997, 48-

80), Б. Қўлдошев (2000, 64-66) ва бошқалар ўзларининг илмий асарларида ва дарсликларида модаллик категорияси ҳақида бир қатор фикр мулоҳазаларни билдиришган.

Биз уларнинг мана шу илмий назарий қарашларини қуйидагича гуруҳлаштирдик:

1) гап мазмунининг объектив борлиққа муносабати модалликдир (Кононов 1960, 336; Абдурахманов 1996, 8; Ҳозирги ўзбек тили (1966, 344);

2) сўзловчининг объектив борлиққа, ўз нутқида бўлган модал муносабати (Ҳозирги ўзбек адабий тили 1980, 438; 1992, 370; Қиличев 1992, 21);

3) модаллик объектив ва субъектив категория бўлиб, гап мазмунининг воқеликка муносабатини билдиради ва аниқлик майлида келган икки бош бўлакли гаплар ва модал сўзларда реал ва нореал модаллик маъноларини ифодалайди (Зикриллаев 1978, 6-8);

4) гап мазмунининг объектив борлиққа муносабати ва сўзловчининг гап мазмунига булган муносабати. Бунда гапнинг субъект билан борлиққа бўлган турли маъноси тушунилади ва уни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) объектив модаллик, 2) субъектив модаллик (Маҳмудов, Нурмонов 1995, 56; Қўлдошев 2000, 64);

5) модаллик сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирув-чи грамматик-семантик категория сифатида қараш фикр мазмуни реал ёки нореал, қатъий ва шу тарзда тасаввур этилиши мумкин. Модаллик гап мазмунининг воқеликка муносабати - айтилаётган фикрнинг реал ҳолатга муносабати (тасдиқ-инкор, мумкинлик, тахмин, шубҳа кабилар) турли воситалар орқали ифодаланади (Ҳожиёв, Решетова 1980, 27; Ғуломов, Асқарова 1961, 37; Саидов 1964, 40).

Синтетик шакллар ҳаракатнинг миқдорий тавсифини билдириб, унинг давомийлиги, такророрийлиги ва кучсизлиги каби модал маъноларни ифодалайди. Бу шакллар қуйидаги 1) -ла, -ғила(-кила, -қила) аффикслар билан ясалади. Бу аффикслар феъл асосига қўшилиб, такрор маъносини

билдиради: ишқа-ишқала, торт-тортқила; 2) ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи шакл. Бу шакл - (и)нқира, -(и)мсира, -(и)ш аффикслари ёрдамида ясалади: оқар-оқаринқира, кул-кулимсира, тўл-тўлиш кабилар.

Аналитик шакллар ҳам ҳаракатнинг бажарилиш, такрорийлик, давомийлик, бошланиш каби турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу хил модал маънолар асосий (етакчи) феълга бирикиб келган ёрдамчи феъл билан ифодаланади. Бундай аналитик шаклларни икки турга бўлиш мумкин:

- 1) кўмакчи феълли аналитик шакл;
- 2) тўлиқсиз феълли аналитик шакл.

Кўмакчи феъллар ҳаракатнинг турли хусусиятини кўрсатувчи, шунингдек турли модал маъноларни ифодаловчи шаклларни яшаш учун хизмат қилади. Кўмакчи феъл боғланиб келган мустақил феъл етакчи феъл деб аталади: айтиб берди (айтиб - етакчи, берди-кўмакчи), кўриб қолди (кўриб етакчи, қолди-кумакчи).

А.Н. Кононов экан сўзининг модал хусусиятига қараб, у феълнинг асосий шакли билан қўшилади. Буни олим икки гуруҳга бўлиб, қуйидаги семантик маъноларни англатишини таъкидлайди:

- 1) берилган фактларга асосланиб, мантиқий хулоса чиқариш (оказывається, кажется, вероятно, по всей вероятности, по-видимому);
- 2) ҳаракатни субъектив баҳолаш. Бу ҳолат фактни шахсан кузатишдан келиб чиқмасдан, балки бошқа шахс сўзлари орқали баҳолашдир (говорят, как передают, рассказывают) (Кононов 1960, 272).

А. Ҳожиёв ўзбек тили грамматикасида экан ва эмиш тўлиқсиз феълларини кенгроқ таҳлил қилган олим. У экан феълнинг семантик хусусиятига қараб, уни саккиз гуруҳга бўлади: 1) ҳолат, 2) сабаб, 3) предметнинг белгиси чекланмаслиги, 4) шарт, 5) сабаб, 6) муносабат, 7) пайт, 8) сўз бирикмасининг ҳолати (Ҳожиёв 1970, 168-177).

Д.М. Насилов эса экан ва эмиш шаклларини модал сўзли қурилмалар деб атаб, экан ва эмиш модал сўзлари билан келган субъектни ифодалаш йўллари беш гуруҳга ажратган: 1) ноаниқ шахс, 2) аниқ шахс, 3) учинчи

шахс, 4) иккинчи шахс, 5) биринчи шахсда ифодалани-ши(Насилов 1983, 178-179). Муаллиф юқоридаги модал сўзларнинг қўлланиш доирасини жадваллар ёрдамида кўрсатиб берган. Экан феъл шаклига хос хусусият шуки, у кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилиб, феълнинг ўтган замон сифатдош шаклига ёки отга қўшилиб тугалланган иш-ҳаракатни англатади.

Айтиш лозимки, *экан*, *эмиш*нинг феъл шакллари ривоят эртақларда, шеърларда, тарихий воқеликларни акс эттиришда ва уларни сўзлаб беришда ҳозирги, ўтган ва келаси замонда қўлланиб, улар ёрдамида қатор турли модал маъноларни, масалан, пайт, мақсад, сабаб, шарт, истак, муносабатни ифодалайди. Эди тўлиқсиз феъли қатор феъл шакллари билан бирикиб, феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилади. Шу ўринда ушбу феълнинг модаллик хусусиятини ифодалаб келувчи - моқчи эди, - диган эди аналитик феъл шакллари хусусияти ҳақида батафсилроқ фикр юритмоқни лозим топдик. Ўзбек тилшунослигида бу шаклларга муносабат ва унинг маъноси ҳақида ягона фикр йўқ, жумладан, - *моқчи эди* феъл шакли айрим асарларда умуман бирор грамматик маънони ифодаловчи шакл сифатида, баъзи ишларда эса замон феъл шакллари қаторида берилади.

А.Ҳ. Сулаймонов — моқчи эди шаклининг маъноси ҳақида ёзади: «... бу феъл ишни бажариш учун туғилган истакнигина эмас, балки бажаришга киришилган, аммо қутилмаган бир тўсикқа учраш орқасида охиригача олиб борилмаган ва тўсатдан тўхтаб қолган иш-ҳаракатни ифодалайди» (Сулаймонов 1962, 26).

Акад. А.Н. Кононов эса -моқчи эди ни модал шакллар қаторига киргизади. Унинг фикрича, - *моқчи* эди шаклида — *моқчи* аффикси билан эди тўлиқсиз феълига хос хусусиятлар сақланишини тўғри пайқайди ва ўтган замонда мақсад қилинган (лекин бажарилмаган) ҳаракатни билдиради деб кўрсатади (1960, 279). Ҳақиқатда ҳам, — *моқчи* эди шакли мақсадининг ўтган замонга оидлигини билдиради. А. Юлдашев туркий тиллардаги - *моқчи эди*, - моқчи бўлди шакллари мақсад майли шакллари деб атайди (1965, 214-220).

«Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан — *моқчи* эди шаклини феълнинг махсус шакли сифатида бермаслик мумкин эмас — деб ёзади А. Ҳожиев, чунки у оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам кенг қўлланади ва эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалган шакллардан ўзига хос хусусияти билан фарқланади» (1970, 138-139). Таҳлилдан маълум бўладики, тўлиқсиз феълнинг семантик маъноси жуда кенг. У ё махсус феъл шакли, ё модал шакл ёки замон феъл шакли эканлигини тилшунос олимлар қайта-қайта уқтирадилар. Биз, А.Н. Кононов фикрига қўшилган ҳолда - *моқчи* эди тўлиқсиз феълни модаллик шакли деб ҳисоблаймиз. Чунки бу феъл шакли, биринчидан, ўтган замонда амалга ошмаган иш-ҳаракатни билдирса, иккинчидан, ҳамма вақт истак, ният, мақсад маъноларини ифодалайди.

Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда —*диган* эди шакли ҳақидаги фикрлар бир-бирига мос келмайди. Проф. А.Ғ. Гуломов —*диган* шаклини келаси замон давом феъли сифатида бериб (1954, 35), —*диган эдини* махсус шакл сифатида келтирмайди. Проф. В.В. Решетов —*диган* аффикси билан ясалган феъл шаклини фақат ҳозирги-келаси замон сифатдоши сифатида талқин этади (1946, 181). Акад. А.Н. Кононов эса —*диган* шаклини ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва модал шакл деб, -*диган* эди шаклини ҳам модал шакли деб ҳисоблайди (1960, 238, 280-281). С. Усмонов -*диган* шаклини-келаси замон сифатдоши ва келаси замон мақсад феъли, -*диган эди* шаклини эса ўтган замон мақсад феъли сифатида беради (1965, 139, 148-146). Академик А. Ҳожиев фикрича, -*диган* шакли сифатдош бўлиб, у ҳозирги-келаси замон феъли асосида ясалади. Бу шаклдаги феъл кесим вазифасида келганда, у билдирган ҳаракат мақсад ёки лозим тарзидаги ҳаракатни ифодалайди. Масалан: Эртага Ботиралининг онасига жамоадан егулик олиб *берадиганман* (Ҳожиев 1970, 143-144). «Ҳозирги ўзбек адабий тилида» (1980, 2002) эса, —*диган*, -*диган эди* феъл шакллари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Биз мана шу фикр-мулоҳазалар асосида -*диган* феъл шакли ҳақиқатдан ҳам ҳозирги - келаси замон сифатдош шакли умумий хусусиятга эга. Лекин —*диган* шаклининг ҳозирги ўзбек тилида кесим вазифасида келиши, кўп

бўлмаса-да, учраб турадиган ҳодиса ва бу қўлланиш оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам нормал ҳолат ҳисобланади.

-диган эди келаси замон сифатдоши шакли бўлиб, у модал маънони англатади ва иш-ҳаракатнинг амалга ошиши эса келаси замон билан боғлиқдир, деган хулосага келдик.

Ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феъллардан бошқа яна шундай феъллар ҳам борки, улар ҳам модал маъноларни ифодалаш учун махсус қўлланади. Масалан, А.Н. Кононов фикрича, ўзбек тилида модал маънони ифодалашда «бўлмоқ» ва «демоқ» феъллари ҳам фаол иштирок этади. Масалан, *бўлмоқ* феъли гапда *-(а) р, - а +- диган*, ёки — *ган бўлмоқ* шаклларида келиб, турли семантик модал маъноларни ифодалайди:

- 1) келажакда амалга ошиши мумкин бўлган ниятни: *ёзадиган бўлди*;
- 2) маълум миқдорда ҳаракатинг амалга ошиши: *марҳумга фотиҳа ўқиган бўлди*;
- 3) ўхшатиш модаллигининг ифодаланиши: *куёш чиққандай бўлди*;
- 4) одатдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиши: *молларга тузук қарамайдиган бўлиб қолди*;
- 5) мумкин бўлган иш-ҳаракат натижасини ифодаловчи модаллик: *хатларни ҳам ўқий оладиган бўлди*
- 6) нутқ пайтида иш-ҳаракатнинг бутунлай тўхтаганлигини англатиши мумкин: улар шу тўғрида гапирмайдиган бўлдилар (Кононов 1960, 276-278).

А.Н. Кононов «демоқ» феъли ҳам ўзининг семантик хусусияти билан қатор модал маъноларни ифодалашини таъкидлайди. Унинг фикрича, *демоқ*, *аввало*, *истак*, *интилиш*, *тахмин*, *истак майли* билан бирикканда эса асосий маъносини йўқотиб, *майл*, *замон*, *шахс-сон маъноларини* ифодалайди: *ёз – ай дейман*. Самарқандга борай дейман (Кононов 1960, 281-282).

Мазкур фикр ва мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, модаллик категорияси ўзбек тилида феъл шакллари, кўмакчи ва тўлиқсиз феъллар билан берилади. Аммо ўзбек тилида ушбу семантик категория юқорида тилга олинган морфологик йўллар билангина чекланиб қолмасдан, лексик йўллар

билан ҳам ифодаланиши мумкин. Модал сўзлар ва юкламалар ана шундай тил бирликлари ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек тилида фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи алоҳида сўзлар ҳам борки, улар модал сўзлар номи билан юритилади. Модал сўзлар сўзловчининг гапда ифодаланган фикрига, воқеа-ходисаларга муносабатини ифодалайди. Модал сўзлар гапда англантилган фикрнинг сўзловчи учун қанчалик аниқлигини, бу хабарни сўзловчи қандай баҳолашини билдиради. Модал сўзлар, одатда, умуман гапга тегишли бўлиб, гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди. Шунинг учун улар гап бўлаги бўлиб келмайди¹³.

Ўзбек тилшунослигида модал сўзларга бўлган муносабат, уларни семантик маънолар ва гуруҳларга ажратиш нуқтаи назаридан ягона фикр йўқ. Шунинг учун биз олимларнинг бу тил бўлақларига оид назарий қарашларига аниқлик киритишни лозим топдик. Академик А.Н. Кононов модал сўзларни уч гуруҳга ажратади:

1. Нутқда турли маъноларни ифодаловчи сўзлар: *мана, ана, ҳатто, ҳамиша, бари.*

2. Ҳар хил модал маъно нозикликлари билан нутққа кирувчи сўзлар: *қани, ҳа, ҳа шундай, балли, йўқ, лаббай, чунончи, фақат, наҳот, наҳотки, шекиллию*

3. Охирги модал сўз кесим билан бирикиб, ягона лексик-синтактик мажмуани ташкил қилади ва қиёсий-тахмин муносабатни билдиради.

Шакл вазифасини ўтовчи сўзлар: *керак, мумкин, мумкии эмас, лозим.* Бу модал сўзлар ўзининг лексик маънолари билан грамматик шаклларини ҳосил қилиш учун хизмат қилади ва модал гапларнинг кесимини ифодалайди (Кононов 1960, 336-337).

С. Саидов немис ва ўзбек тилларида модал сўзларни таҳлил қилар экан, уларни мазмунига қараб уч гуруҳга бўлган:

¹³ Бу ҳақда тўлароқ маълумот учун қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили I, 1992, 370 - 375 бетлар. Миннихметов Рамиль Газизьянович. Модальные слова и ястыци как лексико-грамматическое средство выражения модальности в татарском языке. АҚД, УФА -2000.

1) сўзловчининг реал воқеликка бўлган муносабатини билдирувчи сўзлар: *дарҳақиқат, балки*;

2) сўзловчининг воқеликка бўлган ҳиссиётини ифодаловчи сўзлар: *афсуски, бахтга қарши*,

3) сўзловчининг гап шаклига (мазмунига) бўлган муносабатини англатувчи сўзлар: *чунончи, қисқаси ва ҳ.к.*

Тадқиқотчи ўзбек тилидаги модал сўзларнинг миқдорини 133 та деб беради. Шулардан 113 таси тузилиш жиҳатдан содда, мустақил сўзлар, қолганлари эса модал сўз бирикмаларидир (Саидов 1964, 217-218). Аммо модал сўзларнинг миқдори кўп бўлгани билан уларнинг баъзи бирлари, масалан, *алалхусус, алҳол, баҳарҳол, филҳақиқат* каби сўзлар бадий асарларда ёки шеърятда қўлланган, аммо ҳозирги кунда улар ниҳоятда кам қўлланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида (1980, 438-439, 1992, 370-374) ва М. Миртожиев (1992, 135-136)ларнинг тадқиқотларида модал сўзларнинг маъно турларига қараб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлдиқ:

1) фикрнинг аниқлигини ифодоловчи модал сўзлар: *албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат, табиий*,

2) фикрнинг ноаниқлигини, гумонлигини ифодаловчи модал сўзлар: *эҳтимол, чамаси, шекилли, афтидан, чоғи, ҳайтовур*,

3) мақсад, талаб, шарт маъносини англатувчи модал сўзлар: *керак, лозим, зарур, даркор*,

4) мавжудлик ёки тасдиқни билдирувчи сўзлар: *бор, майли, кўп, тўғри, тузук, яхши*,

5) маъқуллашни – тасдиқлашни ифодаловчи сўзлар: *дуруст, бўлибди, бас*,

6) якунлаш ва таъкидни билдирувчи модал сўзлар: *демак, хуллас, модомики, кўринадики* ва бошқалар.

Модал сўзлар ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги синтактик вазифани бажаради:

Кириш сўз вазифасида келади: *балки, албатта, афтидан* ва ҳ.к. Модал сўзлар мустақил кесим ёки қўшма мураккаб кесим вазифасини бажаради: *керак, лозим, шарт, мумкин*. Модал сўзлар турли сўз туркумлари билан боғланган бўлади :

- а) от билан: *ҳақиқатан, дарҳақиқат, чамаси, афтидан, афсус* каби;
- б) сифат билан: *шубҳасиз, сўзсиз, шекилли* каби;
- в) феъл билан: *демак, демоқчи* каби;
- г) равиш билан: *албатта, аввало, айиқиқса* каби;
- д) ёрдамчи сўзлар билан: *балки, кошки, ҳатто, ҳайтовур* каби.

Ўзбек тилида модаллик категорияси модал сўзлар билан бирга юкламалар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *эса, ҳа, шундай, ҳам, наҳотки* ва ҳ.к. Бу юкламалар ичида *эса* юкламаси, Р. Расулов таъкидлаб ўтганидек, *ҳақиқатда, аслида* каби модал сўзлардан кейин келади. Бу юклама қўлланганда модал сўзларнинг маъноси кучайтирилади ва шу орқали гаплар орасидаги зидлик мазмунини ҳам таъкидлаб келади: *Элмурод ўзини мажбур қилиб зўрма-зўраки шундай деяётган эди. Аслида эса, у севган қизидан ҳалибери жудо бўлишини ҳам асло истамас эди* (Расулов 1983, 77-78).

Модаллик категориясини ифодаловчи юкламаларни маъно жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- 1) кўрсатувчи юкламалар: *ана, мана, бу, унга* каби;
- 2) чегараланган-ажратиб кўрсатувчи юкламалар: *фақат, -гина, -кина* каби;
- 3) гумон, тахминни ифодаловчи юкламалар: *-дир, -тир* каби;
- 4) савол маъносини ифодаловчи юкламалар: *-ми, -микин* каби;
- 5) ннкор юкламалар: *-ма, ни-ни, -мас* каби;
- 6) буйруқ маъносида келган юкламалар: *-чи, -син* ва ҳ.к.

Ҳозирги ўзбек тилида юқоридаги тил бирликларидан ташқари, махсус аффикс ва аффиксимонлар ҳам борки, улар субъектив баҳо шаклларининг модаллик хусусиятини ифодалашда катта роль ўйнайди. Бундай семантик хусусият ҳақида З. Қиличев шундай ёзади: « Ҳозирги ўзбек тилида - *гина* (-

кина, -қина), -ча, -чоқ, -чак, -лоқ, -жон, -хон, -ой, -вой каби аффикс ва аффиксимонлар сўзловчининг объектик борлиққа, ўз нутқиға бўлган модал муносабатини билдириб келувчи субъектив баҳо шакллари дидир. Бу шакллар севиш, эркалаш, кучайтириш, камситиш каби коннотатив маъноларни ифодалайди («Қиличев 1992, 21).

Мазкур аффикс ва аффиксимонлар гапларда қўлланганда, улар бадий асарларда персонажлардаги дилкашлик, мулойимлик, ёқимлилиқни очишда, баҳолашда муҳим услубий аҳамият касб этади. Кичрайтириш-эркалаш шакллари ҳам нутқ жараёнида ишлатилади. Шунинг учун ҳам уларнинг маънолари нутқнинг умумий мазмунига боғлиқ бўлади. Қуйидаги мисолларда уларнинг семантик ва модаллик хусусиятлари акс этганини кўрамиз: *Қизча - қизалоқ, бола - болача*(кичиклик маънолари), *Дилбархон — Дилбарой, Эргашвой — Эргашжон* (эркалаш ва хурмат маънолари).

3.2 Инглиз тилидаги модал сўзларнинг контекстуал семантикаси

Англаган маъносига кўра мажбурийлик, мумкинлик, зарурлик, ишонч, хоҳиш ёки руҳсат, тахмин, фараз қилиш, қўлидан келишлик ва шунга ўхшаш бошқа маъноларни ифодаловчи феъллар модал феъллар дейилади. Модал феъллар ҳаракатни кўрсатмаслиги туфайли бошқа феъллардан семантик жиҳатдан фарқ қилади. Модал феъллар доимо инфинитив шаклидаги асосий феъллар билан бирга ишлатилиб асосий феълларга модаллик маъносини кўшади. Масалан:

I go home - I must go home Уйга бораман - Уйга боришим керак.

Модал феълларнинг асосий грамматик тавсифи. Модал феълларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1) модал феъллар фақат инфинитив формасидаги феъллар билан ишлатилади. Модал феъли билан ишлатиладиган инфинитив ҳар хил бўлиши мумкин:

а) перфект эмас инфинитив:

Well, you can go out to the flat then, that's all right (Th. Dreiser).

So you may say he's in Government even before he's in the house, (Chesterton).

But you might keep chickens (Ibid)

б) перфект инфинитив:

But he must have worked his way through this fortune also with marvellous rapidity (I. R. Chesterton).

You ought to have seen the tie he had on (Th. Dreiser).

в) давомли аспектдаги перфект инфинитив: *The look in his eyes might well have been disquieting to anyone left alone with him on an island in the middle of a lake.*

г) давомли аспектдаги перфект эмас инфинитив: «*She oughtn't to be thinking about spending her money on theatres already, do you think?*» *he nodded (Th. Dreiser).*

д) пассив исбатдаги инфинитив:

All this must be changed (K. Aldington).

It must not be thought that one could have mistaken her for a nervous sensitive, high strung nature, cast unduly upon a cold, calculating, and unpoetic world (Th. Dreiser).

е) пассив исбатдаги перфект инфинитив: *It might have been considered beautiful at one time.*

2) модал феъллардан кейин келган асосий феъл **to** юкламасисиз яшлатилади, яъни улар ҳамиша предикатив формада бўлади. Аммо модал феълларнинг эквиваленти бундан мустаснодир: *he come to read - he can read.*

3) учинчи шахс бирликда шахс қўшимчаси **-s** ишлатилмайди:

“You must go out in the fresh air all you can” (A. E. Coppart).

You can get a nice room here and some clothet and then you can do something (Th. Dreiser).

4) модал феълларнинг айримлари иккита замон формасида (*can- could, may-might, will-would, dare-dared, shall-should*) айримлари фақат битта ўзгармас формада (*must, ought, need*) келади:

Clyde could scarcely prevent her voice from trembling (Th. Dreiser).

«Perhaps» she thought, they may want some one (Th. Dreiser).

Between ourselves, I might say fled the country (I. K. Chesterton).

Then we can go. We will go to the house first and look over these weapons of which you speak (Galsworthy).

5) модал феъллардан сифатдош (participle) формаларини ясаб бўлмайди.

б) суффикс ёки префикслар ёрдамида модал феъллардан янги сўзлар ясалмайди, чунки модал феълларнинг ўзлари сўз ясаиш усули ёрдамида бошқа сўзлардан ясалган эмас.

Модал феъл **to** юкламасини олмайди чунки, модал феълларнинг инфинитив формаси претерит-презент феълларнинг инфинитив формасидан эмас, балки ҳозирги замон формасидан ясалади.

Can, may must модал феъллари англатган маънони **to have, to have got, to be obliged, to be** ёрдамида ҳам бериш мумкин. Бу инфинитив формалар модал феълларнинг ўзига хос синонимлари бўлиб, уларни модал феълларининг эквивалентлари деб юритилади. **Can** модал феъли англатадиган маънони айрим ҳолларда **to be able** ёрдамида ҳам бериш мумкин. **May** модал феълнинг **sea to be allowed (to)** каби эквиваленти бор.

Модал феълларининг эквивалентлари ҳамма вақт ҳам модал феълларнинг ўрнини босавермайди. Бу эквивалент феъллар грамматик категорияларнинг деярли ҳаммасида қўлланилса-да, лексик ва стилистик жиҳатдан кўп ҳолларда чегараланган бўлади.

Can модал феъли фақат икки замонда қўлланиши мумкин бўлганлиги учун у ҳозирги замонда **can**, ўтган замонда **could** формаларига эгадир. **Can** феъли инкор формада ишлатилганда унга **not** юкламаси қўшилади: **can - cannot**. **Can** ва **could** модал феълларининг эквиваленти бўлган **to be able (to)** ишлатилишига кўра маълум замон ёки грамматик категория билан чегараланмаган. **to be able (to)** нинг инкор формаси ҳам **not** юкламаси ёрдамида ясалади: *He is able to do it he is not able to do it*. Ундан ташқари инкор маънони англатувчи **un-**префиксини предикатив қисм **able**га қўшиш

билан ҳам ифодалаш мумкин. Масалан: *He is not able to do, it. He is unable to do it ... and this I was unable to explain.* (R. L. Stevenson).

Can (could) ва унинг эквиваленти *to be able (to)* куйидаги лексик маънолари англатади:

1) жисмоний қобилиятни, яъни бирор ҳаракатни бажаришни кўлидан келиш-келмаслик, кучи етиш ёки етмасликни:

I won't be able to pull you up, «the boy said» (J. Aldridge)

They could scarcely restrain her tears (Th. Dreiser).

2) бирор ишни бажариш учун керак бўлган ақлий қобилиятни: (Бу группага харид қила олиш ва қила олмаслик қобилиятини ҳам киритилади):

I can't understand it is sickening monstrous! (A. Huxley).

Carrie saw the drift but could not express her thoughts (Th. Dreiser).

3) бирор ишни бажариш имкониятга эга бўлиш ёки эга бўлмасликни, ишонишни ва ишонмасликни:

«He could go along», said Carrie (Dreiser).

No, I'm afraid I can't help you (I. K. Chesterton).

Sir Harland Fisher could believe that he had ever been called Harry (Ibid).

4) рухсат, ижозат — таъқиқ, йўл қўйиш ёки ман қилиш, буйруқ ва шунга ўхшаш маъноларни:

I can't go about naked can I? (A. Huxley).

What can I do for-you (I. K. Chesterton).

Can you give me something to do? — said Carrie (Th. Dreiser).

5) фараз қилиш, ишониш ва ишонмасликни (бу ерда модал феълнинг маъноси бирга келаётган сўзларга ҳам боғлиқ бўлади):

I guess we can't use you (Th. Dreiser)

I've so many misfortunes I suppose I can bear this too (A. E. Coppard).

6) таажжуб, хайрат ва шу кабиларни:

Why couldn't he speak? (G. K. Chesterton)

How could you be you stupid, Sophie (A. Huxley).

7) иш-харакатнинг юзага чиққани ёки чиқмаганлиги, чиқиши гумон эканлигини: «*If I could only get something, to do*», *she said (Th. Dreiser)*.

8) **can (could) not help** ноаниқ, формадаги феъл ёрдамида бирор иш-харакатнинг юзага чиқишини хоҳланмаса-да, барибир рўй берганлигини билдириши мумкин.

A: I couldn't help smiling — Мен кулмай турсолмадим.

She could not help feeling pleased as she looked at herself (Ibid).

9) **Can (could) +see** (ёки understand, think etc) тўлдирувчи эргаш гапларнинг бошлаб берувчи функциясини, бажариб келиб, ўзбек тилига кўриш мумкин (эди.), - деб ўйлаш тушуниш мумкин (эди), ва бошқа шунга ўхшаш иборалар ёрдамида таржима қилинади. Маъносига кўра бу конструкция хулосага келганликни, тушунганликни англатади.

One could see that the furniture was of that poor, hurriedly quality sold by the installment houses (Th. Dreiser).

He could, see the flash of big guns followed long after by a solemn deep boom (R. Aldington).

Шуни кўрсатиб ўтиш шартки, **see** конкрет лексик маъносини сақлаб қолиши ҳам мумкин. Масалан: *From the pavement below she could see that their room was lit (A. E. Coppard).*

Бу модал феъл ҳам фақат икки замон формасида қўлланилиб, унинг ҳозирги замон формасидаги **may** ўтган замон формаси **might** дир. Келаси, замон ва бошқа категориал формаларда **may** феълнинг эквиваленти **to be allowed (to)** ишлатилади:

The patient is allowed to walk. Касалга юришига руҳсат берилган.

The patient was allowed to, walk. Касалга юришига руҳсат берилган эди.

The patient will be allowed to walk in a week. Касабнр ҳафтадан сўнг юришига руҳсат берилади.

May (might) нинг эквиваленти сифатида **to be permitted (to)** (руҳсат этилмоқ, руҳсат берилмоқ) контрукциясидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу

